

Жаҳон адабиёти дурдоналари

Вильям Шекспир



Сонетлар

В.21.111(43)-193.3

111-42 | 2020/54-30

Владим Шенков

Секретарь

Т. : 2009. - 126

2020/54  
30

*Жаҳон адабиёти дурдоналари*



Тошкент  
«Vektor-Press»  
2009

Academy of sciences of Uzbekistan  
Institute of literature and language  
named after Alisher Navoi

William Shakespeare

# SONNETS

Translated from the English  
by *Jamal Kamal*  
the national poet of Uzbekistan

Tashkent  
«VEKTOR-PRESS»  
2009

Узбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт  
институту

Жаҳон адабиёт дурдоналари

Вильям Шекспир

# СОНЕТЛАР

Инглиз тилидан  
Узбекистон халқ шоири  
*Жамол Камол* таржимаси

Тошкент  
«VEKTOR-PRESS»  
2009

Ушбу таржималар Вильям Шекспир Куллиётининг профессор В.Ж.Крейг томонидан тайёрланиб, 1983 йилда чоп этилган Оксфорд университети нашри асосида амалга оширилди (Shakespeare, Complete works, edited by W.J.Craig, Oxword University press, 1983)

Маъсул муҳаррир:  
**Бахтиер Назаров**,  
филология фанлари доктори, академик

Сўзбоши муаллифи:  
**Иброҳим Ҳаққул**,  
филология фанлари доктори

|         |                 |
|---------|-----------------|
| 2010/94 | Alisher N       |
| 30      | nomina          |
|         | O'zbekiston BFK |

Вильям Шекспир сонетлари шухрати унинг маълум ва машҳур саҳна асарлари довуругидан кам эмас. Мазкур маънумалар илк марта бевосита аслиятдан таржима қилиниб, эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Ғарб муштовз адабиётида сонет — шарҳ муштовз адабиётининг газал жанри мақомидаги шеър демак. Бир суз билан айтганда, дил изҳори, юрак иқрори, кунгил оҳанглари... Буюк ижодкорнинг кунгил оҳанглирини китобхонларимиз севинч ва иштиёқ ила кутиб оладилар, деган умиддамиз.

ISBN 978-9943-343-63-4

© «Vektor-Press», 2009 й.

N1 3254/3  
2

---

## БУЮК ҚАЛБ МУҲАББАТИ

*Аммо уша Тангри менга бериб панд,  
Севгилим кузидан олди-да олов,  
Уни юрагимга тутди дафъатан,  
Мени оташларга ёқди беаёв...*

*Вильям Шекспир*

Бир гарб шоири “Кунгил билан фикрлаб, ақл билан ҳис қилишни ургангил”, дейди. Бу — бадиий ижодда, айниқса, муҳим малака. Ақлга ҳам, юракка ҳам адабиётда руҳ раҳнамо эрур. Руҳнинг энг олий маъвоси — хуррият, хуррият ва яна хурриятдир. Узини эрқда, эркини руҳда мушоҳада этолмаган адабиёт — нимжон адабиёт. Исталган ташвиқий ҳаракатда ундан бемалол фойдаланиш мумкин. Бунга у чидайди. Чиндам — адабиётнинг куч-қувват йиғиш майдонидирки, сабр-бардошда у енгилмасдир. Қанчадан-қанча ижодкор ҳақиқат йулидан адашиб, маънан таназзул гирдобига тушса ҳам адабиёт жавҳарини софлигича сақлаб қолаверади. Адабиётга хиёнатни ҳаммадан олдин адабиёт сезади — уни сотганларни адабиёт сотмайди, улар уз-узини сотади, уз-узини аялч аҳволга гирифтор этишади. Зоҳирий жараён ва юза ҳолатларга таяниб адабиётга баҳо бериш — адабиёт ҳақида ёлгон ва сафсата туқишдан бошқа бир нима эмас. Энг муҳими ва аҳамиятлиси, адабиётнинг ички ҳаётини билиш, ботинда кечаётган узгаришларни тугри тасаввур қилишдир. Бунда адабиётни утмиш тажрибаларидан ажратини таҳминий, китобий фикр-мулоҳазаларни урчитиб ташлайди.

Адабиёт узини озод ва дадил сезмадими — албатта, у сохталикдан, ҳар хил манфаат уйинларидан жабр





чекади. Демак, куп ижодкорлар адабиёт гақдири ва равнақи учун эмас, нуқул узининг майда орзумидларини кузлаб “тепа” уришади, юзлаб қалам аҳли, нима ёзаётир, ёзишдан ният нима — хагто шу хусусда уз-узига бир ҳисоб беролмайди.

Бу — бир фикрсизлиқ, ҳавойилиқдан ташқари шахсиятсизлиқ бухрони ҳамдир. Бундай аҳвол қанча давом топса, адабиётга ишонч ушанча сусайиб, суниб боради.

Бир пайтлар атоқли рус адиби Н.В.Гоголь “Бугунги бемаъни ҳаёт қувғин қилган ҳақиқат ва гузаллиқни жамиятга қайтариш учун шеъринят энди куп тер тукиши керак”, деган экан. “Сунгги ҳуқуқидан маҳрум этилди гузаллиқ, Яшайди бепошг ва дарбадарлиқда”. Бу — буюк Шекспир сузлари. Шекспир давридан Гоголь замонигача нахотки Гузаллиқ халоскори майдонга чиқмаган булса?!

Воқелиқнинг гемир панжаси, замонининг қаҳрли ҳамлақ хужумларидан гузаллиқ ва ҳақиқатни санъат, адабиёт, хусусан, шеъринят асраб-авайлаб қола-маса, ёшқа ҳеч бир куч уларга муҳофиз ё нажоткор булолмайди. Буни чуқур англашда ҳам, жамият маънавий турмушини зулмат ва бузғунлиқлардан қутқазиш курашида ҳам етук санъаткорлар фикрдошдирлар. Зеро, даҳолар руҳини, энг анвало, Изтироб бирлаштиради. Виждон саботи — бу Изтироб. Шундан булса керакки, орадаги вақт, замон масофасига қарамай, миллий, ирқий, диний фарқланишлардан қатъий назар, гоҳ руҳан, гоҳ маънан даҳолар бир-бирига яқинлиқ сезишган. Эҳтимол шу боисдан ҳам буюк олмон шоири Гёте “Шекспир, менинг дустим, атар сен бизнинг орамизда булганинда эди, мен фақат сенинг ёнингда яшардим”,







дея беназир инглиз санъаткорига хаёлан мурожаат қилгандир. Яна кимларнинг кунглидан бундай орзу кечмаган дейсиз? Шекспирга узини мусоҳиб, муҳиб англаш учун инсон тафаккурда қанча илдамлаши, Дард тарбиясида қанча улғайиши, шахсиятда нақадар юксалиши лозим? Ҳа, Шекспир оламига олиб борадиган йул — дину диёнаг тариқи қадар тугри ва хосиятли йул. Бу йул — Кунгил йули, Самимият йулидир.

Шарқ мутасаввифлари дунёни билиш, ҳақиқатни тадқиқ қилишнинг уч йули мавжудлигини асослаб беришган. Булардан биринчиси, ақл йули. Иккинчиси, сезгига суянган хавос — хослар тариқи. Учинчиси эса, кунгил йули.

Ҳар қанча уринмасин, ақл мантиқ чегарасидан четга чиқолмайди. Ақл купинча узининг маҳдудлиги, хатоси ва такрорбозлигини узи фаҳмлолмайди. “Хавоснинг билиши ва шаҳодатига ҳам қатъиян ишонч йукдир, — дейди Ризо Тавфиқ, — чунки инсон ҳислари қадар ҳуққабоз ва ёлгончи бир шохиди воқеа топилмайди. Айтиш мумкинки, энг эътимодли тадқиқ йули — кунгил йули. Кашфи замир — ичкаридагини кашф қилиш деганлари ана шудир”. Шарқ фалсафаси, ислом тасаввуфи, мумтоз адабиётдан Кунгил сузини четга сурунг, шу заҳотиёк нури суниб, уларнинг файзи барҳам топади. Шекспирда ҳам шундай. Бадий ижодда Шекспир нимага эришган булса, кунгил йули, яъни кашфи замир орқали эришган. Шекспирнинг биринчи муваффақияти ўзгалар ички оламига эркин кириб бориш, хоҳлаган тоифадаги кишилар туйғу ва ҳиссиётларини эмин-эркин урганиб, тадқиқ қилиш учун уз кунгил эшигини бекитишни беҳато билганлигидадир. Шекспир ҳеч бир ижодкор-





дан туйғу угирламаган, ҳолат ва кайфиятларни образлаштиришда узгалар тажрибасини такрорламаган, янгиликка инонмаган маънолар талқинига вақт сарфламаган. Шекспир қайси жанрда асар яратмасин, идрок қилинмаган моҳият сирларини очади. Унинг илҳоми, ҳеч муболагасиз, илоҳий кашфдир. Замонасининг фикр маҳдудлиги ва турғунлигидан баҳс юритган даниялик машҳур файласуф Серен Керкегорнинг “Менинг кунгим доимий равишда “Эски Аҳд” ва Шекспир ижодиётига талпинди”, дейиши бежизмас. Шекспир сузлари Инсон қалбини оламшумул Ғам ва Изгируб меҳварида ҳаракатлантиради, руҳни енгилмасликка чорлайди.

Турк олими А.Дилочар “Кутадғу билиг” китобига бағишланган тадқиқотида Юсуф Хос Ҳожибнинг туғрилиқ ҳақидаги фикр-қарашлари Шекспирникига фавқулодда мувофиқ келишини таъкидлайди. Шекспирнинг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам туғриликда. Шахсий ҳаёти ва ижодида у нимага эришган бўлса, туғрилиқ шарофатидан эришган.

Муҳаммад алайҳиссаломдан “Пайгамбарлик мақомларининг энг олийси қайси?” — деб суралганда, “Туғрилиқ!” деган эканлар. Бу гапдан Шекспир хабардор бўлганми ёки йўқми — очиқ бир нима дейиш душвор. Бироқ туғрилиқни у санъаткорлик мақомларининг ҳам тамали, ҳам чуққиси деб билгани аниқ. Жамиятти қуршаб олган ёлгон ва алдовга қарши боришда туғрилиқдан чекинми қандай мағлубият булишини драматург, файласуф, мутафаккир Шекспир сингари шoir Шекспир ҳам теран англаган.

Жамиятга хизмат қилишни уйлаган санъаткор ундан узини муҳофаза этишни ҳам билиши зарур.





Булмаса ижод йулидан чалгийди, шахс сифатидаги бутунлиги ва тафаккур мустақиллигидан албатта ажралади. Ёзувчининг чин жасорати ҳеч нимага чалғимай бор куч-қувватини фақат ижодга бағишлашидир.

Вильям Шекспир жаҳондаги қайси бир миллат адабиёти ва санъатига кириб борган булса, узини у биринчи гада драматург қиёфасида курсатган. Шекспир асарларининг у ёки бу халқ театр сахнасида мохирлик билан ижро этилиши, уша юрг маданий ҳаётидаги усиш ва илгарилашдан далолат берган. Тафаккур ва тахайюлда Шекспирга яқинлаб бориш учун қолоқлик ва гумроҳлик офатларидан анча қутулиш лозим. Табиатида мутелик, майдалик ва қурқув зур чиққан халқ Шекспир ижодиётининг мазмун-мохиягини ҳеч вақт яхши узлапгиролмайди. Қулликнинг ҳар қанака жирканч қуришишига, зулм ва адолатсизликнинг ҳар қандай ҳамласига қарши курашишда Шекспир матонат курсатган талант. Инсоният эрки ва озодлиги учун жанг қилган афсонавий қаҳрамонлар ҳам шижоатда унга тенглашолмайди, деса ҳеч хато булмайди. Шекспир жасоратини оловлантирган суз ва фикр шамшири одамхудоларни кига нисбатан уткир, маҳобатли эди. Қаламга қарши қилич ялангочлаб булмаслигини, чинакам куч-қудрат салтанат, шоҳлик, бойлик, моддий нуфузда эмас, ақл ва юрак мулкида, санъаткорлик заҳматида эканлигига Шекспир шубҳаланмасди:

Улим таҳдид этар, менга не писанд?

Шеъримда яшайман, қурқинч эмас ул.

Улим маърифатсиз ва ёниқ суздан

Маҳрум қавмларни қуркита олур.





Шекспир сўнги нафасигача ижодий меҳнатдан йироқлашмаган, нима ёзган бўлса — ёниб-куйиб, узини тула-туқис бағишлаб ёзган. Шекспир ижод гажрибасида адабиётнинг ҳеч бир нимага қарамлик, гилёғламалик, сўбўтсизлик “имтиёзи” кўзга ташланмайди.

“Ёвузлик қаердан найдо бўлган?” деган саволга христиан дунёси қадимда жавоб тополмаган экан. Бизнингча, Шекспир асарларини ўқиб, мушоҳадага киришган киши ана шу саволга истаганича жавоб олади. Ёвузлик ва ёвузликдан тугилажак мудҳиш касофатларнинг ахлоқий, ижтимоий, диний, сиёсий узанини Шекспир сонет жанридаги шеърларида ҳам ҳаққоний тасвирлаб берган:

Қайдасан, ҳай, улим? Тугади тоқат,  
Олиму фузало сурар садақа.  
Елгон қасам ичар аҳли диёнат,  
Фақирни этишар кулгу, калака...  
Ва ҳашам либосда юрган жаҳолат,  
Ва хурланган номус, топталган иффат,  
Ва чин етукликка бўҳтон, маломат,  
Ва ношуд, нотавон қўлларда қудрат,  
Ва санъат сузига тазйиқ, қатагон,  
Ва узни донишманд тутган ҳамоқат,  
Ва нодон саналган самимий виждон,  
Яхшидан ёмонга хизмат, садоқат...  
Баридан чарчадим, кетардим кечиб,  
Ёрим, сени ёлғиз қолдирай нечук?..

Улим калимаси тилга олиниб, дил-дилдан улимга муурожаат этилгани билан бу шеърда улимга бош





эгиш кайфияти йук. Тугри, улим жуда куркинч нарса. Шоҳми, гадоми, ёшми, қарими — ҳеч кимга улим шафқат қилмайди. Тирик инсон борки, қай бир зайлда барибир улимдан чучийди. Улим — тирикликнинг сунги нуқтаси — ҳаёт интиҳоси эканлигини гудак ҳам англайди. Аммо дунёда улимга нисбатан кун бора мусибатли, қайгули кулфат ёки фожиалар борлигини ҳамма ҳам чуқур тушуниб етавермайди. Шеърхон диққатини Шекспир айнан шу зиддиятга жало этади. Шоир нигоҳи ила ҳаётга назар ташлаб, шеърда кетма-кет таъкидланган воқеа-ҳодисаларни хаёлдан утказсангиз, ишонинг, улим тимсолида одил нажоткорга юзлангандай буласиз. Бошқасини қуя турайлик: олиму фузалоси тама ва садақага қул бир муҳитда кимдан нима кутасиз? Олимни тиланчи, тиланчини олим айлаган илмнинг нима кераги бор? Албатта, “аҳли диёнат” ростликдан юз буради. Албатта, дуч келган нокас, фақиру ҳақирнинг устидан кулиб, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона калака қилади. Турмуш ана шунда уз-узидан маънавий-ахлоқий бузилниш, макр ва риё масканига айланиб, жаҳолат донолик либосига бурканади, номус ва иффат муҳофизидан ажралади, комиллик тухмат ва бухгон билан “тақдирланади”. Хуллас, уз тинчи ва фарогати учун энг даҳлсиз қадриятларга хиёнат қилиш машғум бир куникмага кутарилади. Бундай вазиятда ман-ман деган мутафаккир ё аллома қулидан ҳам таъсирли ҳеч иш келмайди: иллат иллатга кенг йул очади, офат офатни қуллаб-қувваглайди, ёлгон ва риё тугрилиқка эрк бермайди. Бор-йўги ун турт мисрали сонетда даври ва замонасидаги шу фожиани Шекспир бутун кулами билан ёрқин ифода-лашга эришган. Охирги байғда у:





Баридан чарчадим, кетардим кечиб,  
Ерим, сени ёлгиз қолдирай нечук? —

дейди.

Ғаддор дунё энг курашчан шахсларни ҳам чарчатади. Купинча шулар ҳам яхшию ёмон, ёлғону рост, арзирли ва арзимас — ҳамма-ҳаммасига этак силкигиси келади. Аммо ҳар қанақа ҳолатда улар кунглида ҳаёт севгиси, юрт меҳри, инсон муҳаббати чақнаб-чарақлаб турадики, Шекспирнинг сунги сузлари севгининг куч-қуввати улимдан-да толиблигини тасдиқлайди. Унингча:

Ҳайҳот, узгаларни севмас ҳеч қачон,  
Узини улимга ҳукм этган инсон...

Сукқабонлик, оила қуришдан қочини, худпа-растлик фароғатини шоир кескин қоралайди. Авлод туйғуси сунса — умр нурининг сунгани шу. Ҳаёгинг фарзандингда давом топмаса, барча уриниш ва мувафақиятларинг мағлублик:

Сен кетсанг, урнингда авлодинг ҳамон  
Улим билан жангни эгтиргай давом.,

дейди у. Ва шу фикрни ҳар хил гарзда бот-бот такрор-лайди:

Авлодинг қулида уй-ошённинг  
Гул очиб янгидаи булганда чаман,  
Зиён етказарми қипи-қаҳратонинг,  
Улимнинг таҳдиди сенга не писанд?

Маълумки, сонет инглиз шеърятига италиян адабиётидан кириб келган. Данте ва Петрарка сонет жанрида зур зафарларни қулга киритишган. “Шуни унутмаслик керакки, — дейди немис шоири





И.Бехер, — италянлар Петраркагача ҳам қарийб юз йил мобайнида сонет уқишган ва Шекспир сонетлари илк сонет дунёга келгач уч юз етмиш туққиз йил кейин яратилган. У 154 сонетини бир йилнинг баҳор ва кузи оралигида ёзиб битирган”. Шекспирдан олдин Эдмунд Спенсер, Ф.Сидния, Данел деган шоирлар ҳам сонет жанрида қалам тебратишган. Умуман, XVI асрда сонет инглиз шеърятининг энг нуфузли жанри бўлган. 1592 — 1597, яъни беш йил мобайнида Англияда икки минг беш юзга яқин сонет босилиб чиққан экан. Орадан икки йил утиб, Вильям Жаггард деган ношир Шекспирнинг икки сонетини чоп қилади. Ниҳоят, 1609 йилда Томас Торн унинг 154 сонетини алоҳида китоб шаклида шеърхонларга етказди.

Сонет худди Шарқ шеърятигадиги газал ва рубоийга ухшаб юксак талаб, қатъий қонун-қоида, дахлсиз шартларга тобе жанрдир. Сонет яратишдаги қийинчиликларни назарда тутиб, Буало<sup>1</sup> бундай дейди:

Ҳа, айтгандай, уша тангрини маккор,  
 Шуаро аҳлига қаҳр этган куни  
 Кашф этмиш сонетнинг қонунларини.  
 Шарт қуймиш аввало қуш катрен, дея,  
 Уларни уласин икки қофия.  
 Икки терцет билан тугасин сонет,  
 Хулоса фикрни ташисин терцет.  
 Апполон сонетга тайинлаб низом,  
 Курсатмиш вазнию ҳижосини ҳам.  
 Шоир унда сўзни такрор этмагай,  
 Жун гапни сонет деб ашғор этмагай<sup>1</sup> ...

<sup>1</sup> Буало. Шеърин санъат. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. — Б. 15



Буалонинг қаноати буйича, “Чиройли бир сонет дostonдан аъло” дир. Шекспир эса сонетнинг энг гузал ва теран намуналарини яратган эди. Унинг аксарий сонетларида ошиқона рух хукм суради. Сатрлар оралаб ошиқ Шекспирнинг жонли сиймоси гавдаланади. Ва у сатрлардан севгучи қалбнинг умид ва изтироблари, эътироф ва ҳаяжонлари таралади.

Чунончи:

Кошкийди созингда тор булсайдим мен,  
Гузал оҳангларни янгатмоқ булиб,  
Ҳар гал бармоқларинг тегизганда сен,  
Ёнардим, титрардим қувончга тулиб...

(128-сонет)

Мен қамчи босаман, отим сакрамас,  
Фақат мунгли кишнаб, беради жавоб.  
Отим кишнар экан мунграб, шгу нафас  
Менинг юрагимга тушар изтироб...

(50-сонет)

Мангъални булоққа ботирди пари,  
Олов учди, сувлар қайнади чиндан.  
Ичиб, шифо топди беморлар бари,  
Мен ишқимга даво топмадим ундан...

(154-сонет)

Ҳақиқий санъаткор на омма диди ва савиясига мослаб асар ёзишни, на оломон дилини овлаб шухрат қозонишни хаёлга келтиради — бошқаларга мақбулми, номақбулми — у кунглида илдиз отган, руҳини мунаввар қилган маъно ва ҳақиқатларни ёза-







ди. Бундай санъаткорлар асарларини тушунадиганлар сафи тоҳо хайрон қоларли даражада сийрак булса-да, бундан улар ҳеч нима ютқазмайди. Бадий асар уқиш, аслида, адабиётни англаш, англаб уни ҳис қилиш эҳтиёжини ифодалаши керак. Афсуски, купинча бунинг тескариси булган.

Буюк олмон шоири Гётега кура, уч тоифа уқувчи бор: биринчиси — фикр юритмай фақат ҳузурланадиган уқувчилар; учинчиси — ҳузурланмай баҳо берувчи уқувчилар; уртадагиси — завкланиб, баҳолайдиган, баҳо бериб ҳузурланадиган уқувчилар. “Уртадаги”ларни Гёте санъат асарини янгидан яратувчи кишилар дея таърифлайди. Бадий асарни шулар роҳатланиб, яйраб уқишади. Китобнинг маъномоҳиятини шулар мушоҳада қилади. Бунақа уқувчи, яна такрор айтамыз, галантли ижодкор қадар оздир.

Шекспир драмаларига паст назар билан қараб, тутуруксиз танқид туқиган кимсалар утмишда тез-тез учраб турганлиги маълум. Шекспир асарларининг бошқа муаллифга мансублигини исботлашга уриниш майли ҳанузгача тухтагани йуқ. Унинг сонетларини ҳам кимлардир назарга илмаган, кимлардир очиқчасига камситган. Бировлар наздида эса улар ҳаётдан йироқ ҳаёлий орзулар ифодаси, хаваскорлик машқлари эди. Ҳолбуки, сонетларнинг ҳар бир сузида дард ва изтироб ёлқинланиб ётибди. Хотира шеърга кучганми ёки шеър хотирага жон киритиб ингратганми — купинча буни фарқлолмай қоласиз. Сонетлар қаҳрамони — ишққа, ҳақиқатга фоне булган ошиқ. У ишқ шавқи, ҳижрон азоби, маъшуқа жафоларидан сузлайди, шодликдан йинглайди, қайгудан қувнайди.



Шекспиршунослардан бири сонетлар ҳаммадан аввал Ҳамлегининг сузларига уйғун янграшини таъкидлаган. Бизнингча, бу тугри таъкид. Ҳамлетдаги Шарк дарवेशлари билан яқинлик ҳолати, тушунча мувофиқлиги айрим сонетларда худди икки томчи сувдай бири-бирига ухшашдир. Шундай сонетлардан бирида мана нима дейилган:

Шу осий заминга моясан, жоним,  
Исёнкор малъунга узни этиб қул,  
Нега ҳолдан тойиб, битиб дармонинг,  
Ташқи иморатинг безайсан нукул?

Бир нафас меҳмонсан, ақлданми ҳеч  
Муваққат маконга меҳнат сарф этиш?  
Шунча заҳмат чекиб, эртами ё кеч,  
Уни айлар эсанг қуртларга емиш?

Жоним, яшайвергил гамга қасдма-қасд  
Аламлар куйидан келсин неъматинг.  
Илоҳий сийратлар насиб этса, бас,  
Уларсиз дунёда булмас давлатинг.

Улимга илҳақ бул, уни қарши ол,  
Улим улар, сенга етмагай завол...

Бу шеърдаги нафсоний дунёни тарк айлашга чорлов, зоҳири обод булганнинг ботини барбод булур деган ишонч, боқийлик ҳикматини “улмасдан бурун улиш” ақидасига боғланг — барчаси дарवेशлик маслагига хос ва мувофиқдир.





112-сонет:

Шу ёруг дунёда ягона тирик —  
Узингсан, узгалар мен учун улик...

деган гап билан тугалланади. Бу — ишониш ҳам, қабул этиш ҳам қийин бир ҳукм. Агар чин ошиқнинг тирикликка қараши, жонлиликни бутунлай узгача англаши инобатга олинса, Шекспирнинг катрада уммони акс эттириш салоҳиятига қойил қоласан киши. Шарқ мутасаввифларига кура, бир қадар фарқли нисбатда булишига қарамай, биз жонли деб билган борлиқларнинг хусусиятлари жонсиз дейилган нарсаларда ҳам мавжуддир. Ҳатто айтиш мумкинки, ҳар борлиқда икки хил жонлилик бор: бири зоҳирий, иккинчиси, ботиний. Зоҳирий жонлилик — у ё бу борлиқнинг уз мавжудлигини давом эттириш учун ҳаракат қилиши, еб-ичиши, фикрлаши ва сузлашуви кабилар демак. Бунга “ҳайвоний ҳаёт” ёки “ҳайвоний жонлилик” номи берилган. Кейингиси, кузга куринмас, яъни ички жонлилик, янада аниқроғи, нарса ва ашёларнинг метафизик жиҳатдан жонлилиги булиб, буида коинотда неки бор булса, барча-барчасининг шуурли бир тарзда Оллоҳни билишга эришиши, унга итоат айлашига ишонилган. Ва айнан шу ҳаётга “ҳақиқий ҳаёт”, “инсоний ҳаёт” дейилган.

Ажабланарли томони шундаки, зоҳирий ҳаёт канча юқори даражага кутарилса, ботиний ҳаёт ушанча пастлашармиш! Ботиний ҳаёт юксалган сайин эса ташқи ҳаётдаги ҳаракат ва ҳолатлар сусаяркан. Масалан, борлиқлар орасида инсон зоҳирий турмушнинг энг баланд мартабасига соҳиб була олишга

Кўрмасдан, ботиний ҳаётни жўлаётган ҳаракатда бу иш



Буюк Ибн Арабий шу масалага махсус тухталиб, ботиний мушохадада “жонсиз жисмлардан яхшироқ махлуқ йуқдир”, дейди ва яна ёзади: “Улардан сунгра эса қиймат даражаси эътибори билан усимликлар келур. Кейингиси ҳис эгаси булмиш ҳайвонлардир. Ҳолбуки, буларнинг барчаси ҳалифаликни (Оллоҳга яқинликни) табиий бир сезги (кашф) ва далил ила билурлар. Одам номи берилган махлуққа келсак, у ақл, фикр ва иймон ипи билан боғлангандир...”

Хуллас, Ибн Арабий ҳақиқий ҳаёт, яъни Оллоҳга яқинлик жиҳатидан жонсиз аталмиш борликларнинг жонлилардан, хусусан, инсонлардан анча устунилиги ва бошқа томондан эса энг юқори тарзда ҳайвоний ҳаётга соҳиблигига ургу беради. Инсон Оллоҳга яқинлашгани қадар ҳақиқий ва холис ҳаётга етишади. Бунинг учун у албатта ақл, фикр, узаро алоқа чегараларини ошиб утмоғи керак. Ана ушанда Мавлоно айтмоқчи, завқу сафо денгизида у туздай эриб кетади. Ва Шекспирнинг: “Мен улиб булганман бошқалар учун...”, деган сузларини уқиб, дарवेश янглиг оҳ чекканини узи ҳам сезмай қолади.

Маълумки, қадимги тасаввурларга кура, оламнинг моддий асоси турт унсурдан таркиб топган: туңроқ, сув, ҳаво ва ут. Низомий Ганжавий буларни турт гавҳар деб атайди, чунки бутун хилқатнинг таркибини шулар ташкил қилади. Мутасаввифлар нуқтаи назарида чор унсур инсон вужудида ҳам мавжуд булиб, уларнинг ҳар қайсиси маълум бир хусусият, ҳақиқат, ижобий ёки салбий ҳиссиётнинг тимсоли эрур. Масалан, туңроқ — сабр-қаноат, умид (Оллоҳнинг марҳамати), эзгу хулқ; сув — ҳиммат, назокат, бирлик; олов — нафс,



тама, ҳасад; шамол — ёлгон, риё, сабрсизлик рамзи деб қаралган. Хожа Аҳмад Яссавий:

Бошим туфроқ, узим туфроқ,  
жисмим туфроқ,  
Ҳақ васлига етарман деб рухим муштоқ,

деб ёзган бўлса, Шекспир:

Мен — тупроқ ва сувдан яралган одам,  
Учмоққа қайданам топардим мажол?  
Тупроқман, тупроққа қуйиб бошимни,  
Сувдек оқизаман куздан ёшимни, —

дейди. Албатта, Шекспир Аҳмад Яссавий номини эшитмаганидек, ҳикматларини ҳам уқимаган. Лекин у чор унсур тушунчасининг тасаввуфий талқинларидан мутлақо беҳабар қолганида бошқа бир сонетида:

Бу дунёнинг узга икки унсури  
Ел билан аланга менга мулозим.  
Уларни йуллайман манзилинг сари  
Ҳаво истагимдир, ут — эхтиросим,

демасди.

Шеърятнинг асосий хусусияти, бош фазилатларини ким тулиқ аниқлаган ва таърифлаб бера билган? Ҳеч ким! Даҳо шоирнинг қалб ҳаётига четдан бош суқиб бўлмаганидек, унинг шеърда сувратланган рухий ҳолат ва кайфиятларини ҳам қайта тирилтиришнинг иложи йуқ. Демак, шеърни англаш, таҳлил ва талқин этиш нисбий ишлигини ҳеч эсдан чиқармаслик лозим. Бу гап гаржимага ҳам тегишли. Бир шоирнинг шеърлари турли тилларда турлича савия, турлича оҳанг ва жозибада угирилиши шундан.



Шекспир сонетлари 1830 йилда русчага угирила бошланган. 1880 йилга келиб уларнинг русча тулик таржимаси китоб шаклида нашрдан чиққан. Кейинги даврларда В.Брюсов, Б.Пастернак каби машҳур рус шоирлари Шекспир сонетлари таржимасида кучларини синаб қуришган. Бу ишда катта муваффақиятга эришган мутаржим деб С.Маршак алоҳида эътирофга лойиқ топилган.

Шекспир сонетларининг болгар тилидаги ilk таржимаси 1886 йилда рус тили орқали амалга оширилган. Орадан етмиш йил кечиб, уларнинг ҳаммасини Вл. Свинтил она тилига угиригач, қисқа муддатда яна қайта бошилган. Шунга монанд ходиса Грузияда ҳам содир булган. “Шекспирнинг 1952 йилда Г.Гочачиладзе таржимасида чиққан сонетлар китоби, — дейди Н.К.Орловская, — матбуотда қизгин муносабат уйғотди... Гочачиладзе меҳнатига бир овоздан юкори баҳо берилди. Китобга В.Челидзе, Д.Лашкарадзе, А.Гахокидзе, Н.Киасашвили ва бошқаларнинг тақризи чиқди”.

Дарҳақиқат, Шекспир сонетларининг хорижий бир тилда қайта туғилиб, янги маданий ва тафаккур муҳитида ҳаёт бошлаши ибратли воқеа. Юксак шеър завқига ошно муҳиблар буни яхши билишган. Рости гап, Ўзбекистон ҳам Шекспирга кенг қучоқ очган, шекспирхонликда узининг иқтидор ва ижодий имкониятини курсата билган мамлакатлардан биридир. Шекспир сонетларидан намуналар дастлаб устод Мақсуд Шайхзода томонидан ўзбек тилига угирилган. Кейинчалик Юсуф Шомансур уларни тула таржима қилганди.



Мана ниҳоят, Ўзбекистон халқ шоири, Шекспирнинг ун икки драмасини она тилимизга утириб, халқимизга туҳфа айлаган заҳматкаш таржимон Жамол Камол сонетларнинг аслият асосидаги илк таржимасини ниҳоясига етказди.

Аслиятга ҳам, таржимага ҳам баҳо бермоқ учун биринчи гада суз тақдири ва тил мусикасига гаяниш зарур. Ҳар икки ҳолага ҳам шеърнинг сир-синоатини шулар ҳал қилади. Аслиятни билмасдан, унинг маъно, ифода, мусиқа, ранг товланишлари ва образли жозибасини маълум бир миқёсда тасаввур этмасдан таржима хусусида гапириш — курмаган, англамаган нарсага гувоҳлик беришдек бир чечанликдир. Мен инглиз тилини билмайман. Шунинг учун инглизча матнларга таржима нақадар мувофиқ қиёсан қаралганда, мутаржимнинг ютуқлари нима-ю, йул қуйган камчиликлари нима — буларни изоҳлаш ёки далиллар ила исботлашни зиммамга ололмайман. Ва умид қиламанки, қилни қирқ ёрадиган мутахассислар фавқулодда кизиқарли бу масалани албатта назардан четда қолдиришмайди. Лекин аслиятга суянилганда таржима қандоқ ишончли, мағзи туқ, нақадар жонли ва куркам булишига мен яна бир бора инондим. Юқорида келтирилган шеърини мисоллар ҳам бунинг яққол далили була олади. Демак, Шекспир сонетларининг ушбу янги таржимаси маданий-адабий ҳаётимизда янги, муҳим ходиса уларок, шеъринимиз хазинасидан муносиб урин эгаллашни шубҳасиз.

*Иброҳим ҲАҚҚУЛ,*  
филология фаълари доктори





## 1

Истаймиз, гузаллар булсин зиёда,  
Гузаллик барқ уриб, яшнасин абад.  
Атиргул қовжираб тукилган онда  
Нозик гулғунчаси очилсин фақат.

Сен эса ёшлигинг, юрак оташиг  
Хуснинга бахш этиб, эй соҳибжамол,  
Тукилик бор жойда очликдир ишинг,  
Ки сенга ёвдир ул, ғанимдир, қатгол.

Латофат бормидир чиройингдек соф?  
Баҳор даракчиси узингсан, илло.  
Хасислик айлабон этасан исроф,  
Кургакни маҳв айлаб ботининг аро.

Дунёга раҳм қил, қолдир шу ерга,  
Зурёдингни олиб кетма қабрга...







Қирқ қаҳратон қишнинг аёз шамоли  
Из солса манглайинг, юзларингга, ҳай,  
Қайда қолгай сенинг ойдек жамолинг,  
Тенгсиз лагофатинг қайларда қолгай?

Қани, деб сурсалар, сочинг тулқини,  
Ёногинг ёлқини? Бугун у соя...  
Суник кўзларимда дейсанми уни?  
Жавобинг қузғатар кулгу, киноя.

Ва лекин жавобинг булар муносиб,  
Гар десанг, боқингиз болаларимга.  
Қурку тароватким, этмишди насиб,  
Бахш этдим гулларим, лолаларимга.

Сенинг гомирингга совиётган қон  
Уларнинг жисмида гупурар бу он...





Кузгуга куз солиб, сувратишга бок,  
Энди бу гимсолни такрорлаш лозим.  
Иуқ десанг, дунёга тушади титроқ,  
Аёлни бахтидан этасан маҳрум.

Қайси дилбар сенга қучоғин очмас,  
Қайси жонон курмас меҳрини раво?  
Шунча худбинмисан, узинг билан маст,  
Авлоддан улимни курасан авло?

Онанг сенга боқиб, курар утмишин,  
Умрининг баҳорий айёмларини.  
Сен ҳам кексайганда куришинг мумкин  
Болаишда ёшлигинг давронларини.

Дунёда тоқ утсанг, ёлғиз, бефарзанд,  
Уларсан, тимсолинг кетар сен билан...





## 4

Эй исрофгар гўзал, меросингни, бас,  
Нега совурасан шамолга нуқул?  
Табиат қарз берар, эҳсон айламас,  
Қарз берар ҳур, озод инсонларга ул.

Ҳой, сен билармисан, уша бойликни  
Олгансан бошқага узагмоқ учун.  
Гар ташлаб кетмасанг бировга уни,  
Мунчалар хор этиб юрмоғинг печун?

Узинг билан битим тузгансан гуё,  
Узингни алдайсан, гумон йуқ бунда.  
Тақдир сунгги ҳукмин уқиган асно,  
Не булур Тангрига жавобинг унда?

Бир нишон қолмагай, етса адоинг,  
Тупроққа кумилур ҳусну чиройинг...





Утиб ою кунлар сездирмай, зимдан  
Байрамлар тузади бизга ажойиб.  
Лекин айриламиз айшу базмдан,  
Кунлар кечар экан, булишар ғойиб.

Лаҳзалар югурар, оташ саратон  
Урнини бушатар қишга ноилож.  
Дарахтлар шип-шийдом, япроқлар хазон,  
Табиат муз қопан, борлиқ яланғоч.

Хушбуй чечакларнинг атри шу маҳал  
Суюқ махбус булиб турар шишада.  
Қаҳратон қишда ҳам ёзни эслатар,  
Не эди биз сурган завқу нашида.

Агарчи ёз кечди, қолмади гуллар,  
Агру уфорида яшайди улар...





Ҳазир бул, қаҳратон аёз, изгириги  
Боғингга солмасин хазон офатин.  
Гулларинг териб ол сўлмасдан бурун,  
Ииғиб ол уларнинг суви, шарбатин.

Олтин маблағини гаровга қуйиб,  
Йирик фойда қурган кимсага монанд,  
Узингни узингга олгин қайтариб,  
Бир эмас, ун карра ортиғи билан.

Қиёфанг ун карра бўлгуси такрор,  
Бир эмас, ун карра яшайсан унда.  
Улимнинг қулидан не келар, дилдор,  
Умринг давом этса фарзандларингда?

Тақдиринг сийламиш сени бус-бутун,  
Ҳатто улимданам келасан устун...



Ана, шарқ уфқини нурафшон эгиб,  
Аста бош кутарар муқаддас қуёш.  
Олгин гардишига шодон куз тикиб,  
Саломин йуллайди унга кекса-ёш.

Кейин у юксалар юксалганича,  
Оламни тулдириб салобатига.  
Ҳамон мафтун бўлиб боқипар барча  
Унинг осмон аро саёҳатига.

Сунгра у юксакдан тубанга сузиб,  
Уфқ қирғоғига олади узни.  
Шунда одам борки, нигохин узиб,  
Бошқа бир томонга тикади кузни.

Қолсин бу дунёда оргингда угил,  
Тонгларда қуёшинг қаршиласин ул...





Маъюс оҳангларни севасан мунча?  
Музика тинглайсан, кузларингда муң.  
Сенга дарду ғаминг ширинми шунча,  
Шодиёна куйлар хуш келмас печун?

Журовоз наволар жарангосини  
Сира хушламайсан, сабабки улар  
Суйламас ёлғизлик дийдиёсини,  
Улар яккаликни мазаммат қилар...

Тингла, ҳаловатга, сурурга тулиб,  
Ажойиб бир қушиқ жаранглар шу оң.  
Гуё битга тордек, хамоҳанг булиб,  
Куйлар ота-она, маъсум болажон.

Учар шу қушиқдан сенга бир хитоб:  
Яккалик ёмондир, охири хароб...





Бир бева аёлни йиғлатмайин деб  
Елғизлик йулини тутдингми атай?  
О, гар улар булсанг, азадор булиб,  
Дунё узи сешиг мотаминг тутгай.

Дунё беванг булиб йиғлайди юм-юм:  
Ортида зурёди қолсайди кошки...  
Эридан айрилган аёллар доим  
Фарзандларга боқиб, топар тасалли.

Исрофгар совурган бойлик йуқолмас,  
Урнини узгартирган ярайди ишга.  
Аммо хусн суниб, булгуси абас,  
Ешлик ҳам угади, келмайди бошқа.

Ҳайҳот, узгаларни севмас ҳеч қачон  
Узини улимга ҳукм этган инсон...







Уят бу, бировга муҳаббатиңг йук  
Ва лекин узгалар севарлар сени.  
Ёшлигиңг севгисиз утмоқда, қуруқ,  
Елларга совуриб яшайсан уни.

Узингга беаёв душмансан магар,  
Меросга олганиңг уйни беомон —  
Бузасан, ҳар лаҳза этасан абгор,  
Уни таъмир этсанг, булмасди ёмон.

Қуй бу ишти, мен ҳам тарк этай малол,  
Нафратдан юз угир, муҳаббатлик бул —  
Мунис, меҳрибон бул сувратиңг мисол,  
Узингга шафиқ бул, мурувватлик бул.

Курку тароватким бугун сенда бор,  
Фарзандиңг ҳуснида куринсин такрор...





Тез ушиб ушамиз, суламиз тезда,  
Аввал дуркун эдик, энди-чи, сулгин.  
Ғайрат, шижоатким бор эди бизда,  
Фарзандлар қонида яшайди бугун.

Равнақ, гузалликнинг сири шундадир,  
Йуқса, не қоларди бу олам аро?  
Жаҳолат ва завол емириб охир,  
Роса олтмиш йилда битарди дунё.

Кимки ёвуз эрур, аҳли мазаллат,  
Йуқолсин, дунёда унга нима бор?  
Сенга не эҳсонлар айлади қисмат,  
Уларни қайтариб бермоғинг даркор.

Сени муҳр қилиб яратмиш тақдир,  
Янги нусхаларда наслинг купайтир...





Соат занг уради, санайман ана,  
Ҳадемай кундузни ямлар қаро гун.  
Бинафша ранги ҳам сунар жимгина,  
Қаро кокиллари оқарар бутун.

Мағрур дарахтлар ҳам яланғоч бу дам,  
Янроқларни йулда супурар шамол.  
Похол ғарамлари аравалардан  
Тобутга тушгандек боқар бемажол.

Мен уйлайман курку тароватишғни,  
Анвойи чечаклар, гуллардек албат  
У сулиб, сарғаяр, битар бир куни,  
Урнида юз очар янги лағофат.

Сен кетсанг, урнингда авлодинг ҳамон  
Улим билан жангни этдиргай давом...



Аслида не булсанг, шундоқ бул, зотан,  
Узоқ яшамайсан, келур интиҳо.  
Уша интиҳога тайёр бул, у дам  
Сувратинг бошқага кучар мутлақо.

Гузаллик бермишди сенга табиат,  
Угар энди уғлинг билан қизингга.  
Бегонага бормас уша омонат,  
Наслингга угаркан, қайтар узингга.

Авлодинг қулида уй-ошиёпинг  
Гул очиб, янгидан булганда чамаң,  
Зиён етказарми қиш-қахратонинг,  
Ўлимнинг таҳдиди сенга не писанд?

Уғлинг, етар экан сенга ниҳоя,  
Отам бор эди, деб айтса кифоя...





Юлдузларга боқиб, фол очмагайман,  
Бебахраман осмон илмидан магар.  
Вабоми, очликми ё шунга монанд  
Бало-офаглардан бермасман хабар.

Ёмғирми, бурунми келар қурқитиб,  
Буни мен олдидадан айтмагим душвор.  
Яна айтолмасман кукка куз тикиб,  
Саодатманд булур қайси ҳукмдор...

Ва лекин кузларинг, юлдузларингга  
Термулиб, ҳар сафар кураман аён:  
Умринг авлодингга давомин топса,  
Гузалик ва мардлик яшар ёнма-ён.

Йуқса, улар бари адамга кетар,  
Гузалик қолмагай, мардлик ҳам битар...





Ҳар нарсага усиб-унишни тақдир  
Иноят айламиш, фақат бир лаҳза.  
Юлдузлар остида жаҳон сахнадир,  
Сахнада ҳар нафас янги томоша.

Худди бир гиёҳдек асраб, авайлаб,  
Бизни ҳам устирар уша осмон.  
Ешликда яшаймиз барқ уриб, яшнаб,  
Аммо қариганда буламиз хазон.

Шуларни уйласам, йигит камолинг  
Кузларим унгида товланар гул-гул.  
Замон ҳамла қилиб, истар заволинг,  
Кундузингни тунга буркамоқчи ул.

Майли, вақту замон қилсин тантана,  
Янги пайванд этсам, яшнайсан яна...



Баски вақт дегани шундай беомон,  
Сен печун, эй менинг бепарво болам,  
Ёшлигингни ураб олмайсан ҳамон,  
Шеъримдан яхшироқ амаллар билан?

Сен шундоқ навқирон йигитдирсан, хай,  
Онаси унмаган қанча гузал қиз  
Сенинг гуллариингни устгирмоққа шай,  
Тасвирига ранг ҳам, қалам ҳам ожиз.

Ҳаёт бузганини ҳаёт тузатур,  
Жонингни жононга берсайдинг қани;  
Сени қайта бошдан ярагарди ул,  
Олдида не эмиш рассом чизгани?

Ерга кунгил берсанг, умринг абадий,  
Дунёга инсонлар келар сен каби...





Ким ҳам ишонарди юксак хизматиңг,  
Шухратларинг шеърга солиб, мақгасам?  
Худо шоҳид, шеъримдамас, турбатиңг,  
Қабрингда ҳаётиңг куцроқ мужассам.

Фаттон кузларингни гасвир этсам-чи,  
Айтсам, не эмишдир сендаги талъат,  
Авлодлар кулади: шоир — ёлғончи,  
Оддий юзга бермиш самовий суврат.

Саргайган саҳфага боқиб бемалол,  
Рад этар, шеъримдан унга самар йуқ.  
Беписанд дейди у: қари сузамол,  
Сузида ростликдан зарра асар йуқ.

Аммо наслиңг ҳает булса агарда,  
Уғлиңгда ҳаётсан, яшарсан шеърда...







Сени ёз кунига этайми қиёс?  
Бир ажиб гузалсан, сокина, дилбар.  
Шамол юлқиб отар чечакларни, бас,  
Ёзимиз қисқадир, ҳадемай утар.

Гоҳо кукда қуёш қамаштирар куз,  
Гоҳо булутлардан осмон ҳам хира.  
Бир зумда хуфтондир, бир лаҳза кундуз,  
Хулласки, габиат тинчимас сира.

Аmmo сенинг ёзинг айрича, булак,  
Қуёшинг чарақлаб сочади ёғду.  
Улим сенга соя сололмас, малак,  
Шоирнинг шеърида тириксан мангу.

То танда жон булур, то кузларда нур,  
Яшарсан тириклар ичра бир умр...





Шернинг тирноғини синдир, эй замон,  
Тупроққа қориштир мавжудотларни.  
Йулбарснинг тишини қоқиб ол ҳамон,  
Қақнусни утда ёқ, қолдирма парши.

Қишдами, ёздами, кузда, баҳорда  
Кулғуни куз ёш эт, куз ёшни кулғу.  
Ҳар не қилсанг, қилгил шому паҳорда,  
Бир гуноҳдан тийил, илтимосим шу:

Манглайига ажинг солма дусгимнинг,  
Мунис чехрасини абгор айлама.  
Куркам қиёфаси, жамоли унинг  
Барча замонларга булсин намуна.

Магар қилғиликни қилсанг ҳам, замон,  
У менинг шеъримда қолур навқирон...





Табиат аёлнинг қиёфасини  
Ярагмиш бир ажиб маҳорат билан.  
Эркама, маликама деб атайми сени?  
Гузалсан, аслсан, вафодор санам.

Кузингда ҳийла йуқ, тиниқ нигоҳинг  
Нур сочиб, тегрангни этар мунаввар.  
Мардона боқишинг — мудом ҳамроҳинг,  
Эркагу аёлга бирдек баробар.

Табиат яратиб сени дилрабо,  
Қалбинга эҳтирос жойламиш яна.  
Шунинг-чун курганлар сени деб адо,  
Хатто аёллар ҳам сенга парвона.

Майлига, парвона булишсин, жонон,  
Мени сев, уларга булгини меҳрибон...



Бировларга ухшаб ёрим мадх этиб,  
Кукларга кугариб, демасман пари.  
Ёримга самовий сифатлар тақиб,  
Буяб-бежамасман рассом сингари.

Тумтароқ мисралар тизиб, чехрасин  
Ой билан офтобга қилмайман қиёс.  
Денгизлар дурию баҳор каштасин  
Васф этиб, демасман дилбаримга хос.

Севгим чин, ёзаман шуни баралла,  
Севгилим гузалдир, зебо бир санам.  
У ҳам бир онанинг боласидир, ҳа,  
Ой эмас осмонда сузган, қуёш ҳам.

Бошқалар мақтасин, майли, ҳар куни,  
Мен эса мадх этиб, сотмайман уни...





Кузгуга боқаман, қариманми? Йуқ,  
Сенинг ёшлигингга шерикман, ишон.  
Тақдир сени қийшаб, тоғгаса ортиқ,  
Менга ҳам фалокат етар шу замон.

Юзинг мисли кузгу, термулиб унга,  
Яшариб кетаман, яшнатар мени.  
Навқирон қалбингни тутасап менга,  
Мен ҳам бағишлайман сенга қалбимни.

Узингни авайлаб, асрагил доим,  
Негаким куксингда қалбим омонат.  
Мен ҳам юрагингни асрайман, токим  
Куксимда гупуриб турсин саломат.

Икки қалбга битта қисмат эрур, бас,  
Бири адо булса, бошқаси қолмас...





Нуноқ актёр айтар сүзин унутиб,  
Саҳнада ногаҳон қотиб қолгандай,  
Ё бир тентак ғазаб ичра тутақиб,  
Ҳушдан кетиб, зурға нафас олгандай,

Қаршингда гураман сүзсиз, садосиз,  
Севги изҳорига этолмай журъат.  
Агарчи юракда дардим адосиз,  
Лабимга муҳрини босмиш муҳаббат.

Энди мен учун ҳам китоб суйласин,  
Беминнат хизматин айласин адо.  
Менинг иқроримни баён айласин,  
Пойингга тиз чуқиб, этсин илтижо.

Сен қалбим розини ўқи, эй санам,  
Сузларимни тингла кузларинг билан...



Менинг кузим бўлиб уста, уймакор,  
Солмиш сувратингни куксимга, қара.  
Мен жонли гардишман сувратинга, ёр,  
Санъатнинг саъвати — кенгиш манзара.

Сен устага боқиб, саъватин кургил,  
Кургил куксимдаги тимсолинг, санам.  
Кунглим дуконида сувратинг турур,  
Ойнабанд этилмиш кузларинг билан.

Мен сенга термулиб, сувратинг чизгум,  
Не бахтким, кузларинг кузимга тутош.  
Кузларинг орқали гоҳида бир зум  
Менинг юрагимга муралар қуёш.

Гарчи кузларингни кузларим курар,  
Э воҳ, юрагингни куролмас улар...





Майлига, бировлар давлат, савлатин,  
Мартабасин айгиб, керилсин фақат.  
Камтар, камсуқумдир менинг қисматим,  
Севги, муҳаббатдир — менга саодат.

Ҳукмдор олдида казо-казолар  
Юришар, қуллари осмонга тегиб.  
Аммо кунгабоқар мисоли улар,  
Кун ботса, қолишар бошларин эгиб.

Довруқ солиб яшар ботир саркарда,  
Бошида қуёшин тусолмас булут.  
Лекин енгиледи у сунгги жангда,  
Бутун хизматлари булади унут.

Менинг мансабимдек мартаба қани?  
Севилдим, севаман, севарлар мени...







Эй севгим сарвари, тавозу ила  
Арзим баён эгай, эшитгил мени.  
Эҳтиромим битиб, йулладим сенга  
Шу қалбим соғинчи, саломномани.

Фазилатинг баланд, қаламим ожиз,  
Сузларим туюлар яланғоч, ғариб.  
Лекин сен марҳамат сари буриб юз,  
Уларни уқигил либос кийдириб.

Бошимда порлаган бахтим хулкари  
Йулимни ёритиб, манзилимни ҳам,  
Жулдур чопонимни итқитиб пари,  
Балки тун кийдирар менга мухташам.

Севгимни мақтаниб айтаман унда,  
Ушангача юргум пана-панада...





Туншакка узимни отамаи ҳориб,  
Меҳнат, машаққатдан бигиб мажолим.  
Тағзим чарчаса-да, чарчамайди, йуқ,  
Чарх уриб учади фикрим, хаёлим.

Менинг хаёлларим чарх уриб тишмай,  
Сени қумсаб, сенга талпинар бу дам.  
Кузим қатга очиб, тикиламан, ҳай,  
Қура олур бундай зулматда қур ҳам.

Хаёл кузгусида гузал тимсолинг  
Қуришар, мен сени қураман, дилбар.  
Бебаҳо гавҳардек порлаб жамолинг,  
Сим-сиёҳ тунци ҳам этар мунаввар.

Қундузим ташвишда кечар, қуним йуқ,  
Кечалар сени деб уйқу, гиним йуқ...



Қани меңда имкон, ҳордиғим ёзиб,  
Тинчиб, ором олиб ётсам бир қадар?  
Кундуз мени эзар елкамдан босиб,  
Кечанинг залвори ундан-да баттар.

Кун билан тун — икки аёвсиз ғаним  
Битишган, мақсади мени қиинамоқ.  
Кундузи меҳнатда билмасман тиним,  
Кечалар ишқингда чекаман фироқ.

Кундузи булутга бурканса осмон,  
Унга эслатаман шаффоф юзингни.  
Кечалар зулматга чулғанса ҳар ён,  
Юлдузларга қиёс этгум кузингни.

Аламим тоширар кунларим менинг,  
Ғамимга ғам қушар тушларим менинг...





Кузимга қоронғу тортиб шу дунё,  
Омадим юришмай, чексам фиғонлар.  
Фалак нолишимни тинглаб бепарво,  
Қисматимни қарғаб, ёнганим онлар,

Омадли инсонлар иши, турмуши  
Қузғатганда менинг қалбимда хавас,  
Орзу айлаб мен ҳам шундоқ булишни,  
Шикаста ҳолимга куйганим нафас,

Севгилим, поғаҳон эслайман сени,  
Ожизлигим битар, қолмагай ортиқ.  
Тикка парвоз этиб бузтурғай каби,  
Самолар қуйнида бошлайман кушиқ.

Жоним, ишқинг эса жонимга пайванд,  
Менга подшолар ҳам булмагай писанд...





Қачонким хаёлга эрк бериб, фурсат,  
Кечган кунларимни ногоҳ эсласам,  
Бағримда тирналур эски жароҳат,  
Аламлар қузғалур яна янғидан.

Шунда кузларимдан сочилар ёшим,  
Дустларим кетдилар айтиб алвидо.  
Қайда қолди дейман севгим, қуёшим,  
Кимларни йуқотдим, нелардан жудо...

Э воҳ, ғам устига яна ғам келар,  
Йиғлайман, хотирга олсам уларни.  
Гарчи тулагандим илгари тугал,  
Бошқатдан тулайман туловларимни.

Аммо сени ҳар гал уйласам, дустим,  
Ғамларим тарқайди, тошаман таскин...





Юраклар тепади сенинг куксингда,  
Тепишдан тин олган қанча юраклар.  
Кураман мусаффо юзинг, кузингда  
Не-не чехралардан излар, дарақлар.

Уларнинг бошида неча бор йиғлаб,  
Куз ёши гукканман қабрига, маъюс.  
Улар пайдо булди қаршимда, ажаб,  
Учрашиб гурибмиз, мана, юзма-юз.

Улар сунгги паноҳ билмишлар сени,  
Сенинг гул юзингда тутмишлар макон.  
Менинг муҳаббатим булақларини  
Бир йула этмишлар сенга армуғон.

Улар эди, жоним, сенда курганим,  
Уларни севаман, сен ҳам севганим...





Агар гувоҳ булсанг, етиб сунгги дам,  
Таним узра тупроқ тортганда улим,  
Шафқат, мурувватинг аяма мендаг,  
Шу ноқис шеъримни уқи, севгилим.

Мени қиёс этма ёшларга, илло,  
Уларнинг санъати юксак, мукаммал.  
Лекин уларнимас, мени сев, жоно,  
Менинг муҳаббатим чексиз нақадар.

О, ижозат айла, айтай розимни,  
Тангри яна умр берсайди менга,  
Янги авлод ичра чалиб созимни,  
Етук мадҳиялар битардим сенга.

Мен утдим дунёдан, унутма фақат:  
Уларда ҳунар бор, менда муҳаббат...



Курдим мен неча бир сулув тонгларни,  
Шуъласи тоғларнинг бошида ял-ял  
Ениб, сунг яшнатиб майсазорларни,  
Сувларнинг бетига ёяди зарҳал.

Аммо булуг босар ногоҳ хурпайиб,  
Тонг юзини тусар, учар табассум.  
Осмон боқар шунда қовоғин уйиб,  
Ер қолар мунғайиб, қуёшдан маҳрум...

Менинг ҳам қуёшим чиқмишди равшан,  
Кузларим термулиб, чароғон эди.  
Эвоҳки, булутлар босди даъфатан,  
Порлоқ муҳаббатим машъали сунди.

Йиллар утса ҳамки, битмас азобим,  
Юракда яшайди уша офтобим...







Сен дединг: кун булур равшан, беғубор,  
Кучага отландим кийиниб енгил.  
Лекин ёмгир қуйди такрор ва такрор,  
Бошдан оёқ ивиб, булдим жикқа хул.

Булут йиртиғидан кейин ҳар тугул  
Бир қатим нур тушди менга бир маҳал.  
Бир лаҳза ярқ этган офтоб эди ул,  
Бир лаҳза офтобдин булгайми самар?..

Мени овутолмас укинчинг, санам,  
Афсус, надоматинг юпатмас мени.  
Дилозор кимсанинг оху зори ҳам  
Дилдан аритолмас ранжу аламини.

Аммо куз ёшларинг оқаркан, ҳамон  
Ранжу аламлардан қолмагай нишон...





Қилган ишинг уйлаб энди ғам ема,  
Гул деган тиконсиз булурму, санам?  
Кумуш булоқларда лой булмас, дема,  
Булутлар қуёшни тусар, ойни хам.

Ҳаммада бир айб бор, менда бир неча,  
Қиёслар ахтариб, булиб дилхоҳинг,  
Юмшатмоқ буламан айбингни пича,  
Оқламоқ буламан қилган гуноҳинг.

Маҳкамага бориб, этгум ҳимоят,  
Агарчи даъвойим бор эди сенда,  
Бир ёнда муҳаббат, бир ёнда нафрат,  
Иккиси баробар жанг қилар менда.

Булишиб олгандек айбу гуноҳни,  
Булишиб олурмиз ҳукму жазони...





Агарчи ҳаётда биз икки одам,  
Аммо муҳаббатда бирмиз, ягона.  
Эҳтиётсиз сира қуймасман қадам,  
Дог тушмасин дейман номингга яна.

Гарчи севги ила юраклар туташ,  
Лекин турмуш булак, аламлар айру.  
Тапвиш, тирикчилик этар дилни ғаш,  
Висол дамларига моне булар у.

Одамлар олдида сенга термулиб,  
Эвоҳ, этолмасман арзи эҳгиром.  
Сен ҳам боқолмайсан менга қайрилиб,  
Ёнимдан утасан унсиз, бесалом.

Майлига, мен сени севаман, сапам,  
Шаънингни ҳамиша тутаман баланд...





Мулкиллаган ота қувоғча гулиб,  
Етук боласига боққандек хурсанд,  
Мен ҳам бахтиёрман баҳраманд булиб,  
Сенинг саховагу шарофатингдан.

Юксак наслу пасаб, ҳиммат ва ҳусн,  
Соғлигу куч-қувват, ақлу заковат  
Менга насиб этмиш, сабабки, албат,  
Сени чин юракдан севганим учун.

Нечук қашшоқ булай, ёлғиз, нотавон?  
Муҳаббатинг солур бошимга соя.  
Тукин-сочинликдир теграмда чунон,  
Унинг бир зарраси менга кифоя.

Ҳар гал бир яхшилик тиласам сенга,  
Тилагим ун булиб қайгади менга...



Наҳот етишмаса музага мавзу?  
Ажиб хаёлларким, беғубор, нафис,  
Сендан гаралади, на гузал туйғу,  
Уни тасвирлашга қалам ҳам ожиз.

Наздингда гар топган эсам эътибор,  
Бунинг-чун узинга суйла ташаккур.  
Шоирки, айтмаса шаънинга ашъор,  
Демакки, кўролмас, кўнгил кузи кур.

Ун карра баланд деб биламиз сени,  
Ун карра юксақдир саховатинг ҳам.  
Изи бер, бахш этган илҳомларингни  
Олис замонларга элтсин қасидам.

Шеърим уша кунга етишган асно,  
Менга раҳмат дерлар, сенга тасанно...



О, сени таърифлаб, нечук мадҳ этай,  
Ахир, биз биттамыз, бир жону бир тап?  
Қандай қилиб энди ўзимни мақтай,  
Ўзимни мақтайман сени мақғасам...

Шунинг-чун биргамас, яшаймиз айру,  
Токи айрилиқда юриб ҳамиша,  
Мадҳ этай куркингни, латофатингни,  
Чунки мақтовларга лойиқдир уша.

О, ҳижрон ошиққа аламдир, азоб,  
Айрилиқда чекар ошиқ интизор.  
Лекин ҳижрон аро, аё моҳитоб,  
Ширин умидларнинг лаззати ҳам бор.

Сенга йироқлардан термулиб хар гал,  
Сувратинг чизаман ёрқин, мукамал...





Сен қалбимни олдинг, олдинг боримни,  
Сен олмаган яна нима бор меңда?  
Олдинг эркимни сен, ихтиёримни,  
Молу бисотимнинг бариси сенда.

Майлига, ҳалолнинг бўлсин, ола қол,  
Бари сенга бўлсин, бари сен учун.  
Бироқ кунглимда бир надоматим бор,  
Севгимни камситиб, хор этдинг нечун?

Гадо халтасини умардинг гуё,  
Эй уғри гузалим, огоҳ бул фақат:  
Муҳаббат яраси битмагай, эвоҳ,  
Нафрат сололмагай мунча жароҳат.

Жафойинг вафодир менга, севганим,  
Майли, улдир, аммо булма душманним...



Ешлик, бебошликнинг озорларини  
Менга раво курдинг, огохмисан, йуқ?  
Навқиронлик йулга бошлади сени,  
Майли, бу ёшингга мосдир, мувофиқ.

Уктамсан, шу боис барча парвона,  
Куркамсан, ёприлиб, этарлар адош.  
Ҳой, сен аёл зоти сеҳри олдида,  
Аёл уғли, печук берасан бардош?

Мени аямадинг, ёшлик ҳаваси  
Чирмаб, бошинг узра булди паноҳинг.  
Қутқу, васвасанинг охир адоси,  
Бирмас, икки карра сенинг гуноҳинг.

Аввал куркинг ила аврадинг уни,  
Кейин надомагга қуйдинг сен мени...







У сеники булса, бунда алам йуқ,  
Мен уни севаман, дейишим мумкин.  
Сен уники булсанг, тегар менга уқ,  
Севгимни бой бериб қуйишим мумкин.

Ахтариб, узимга топдим тасалло,  
Сен уни севаман севганим боис.  
Сенга кунгил бермиш уша дилрабо,  
Сабабки, сен менинг дустимсан, азиз.

Сени йуқотгандим, севгилим топди,  
Севгилим йуқотдим, топиб олдинг сен.  
Бунда не камайди, нима ҳам ортди,  
Аслида ҳеч нарса йуқотмадим мен.

Дустим, биз биттамиз, суюкли санам  
Сени севар булса, севар мени ҳам...





Куз юмсам, кузларим куради равшан,  
Куз очсам, у қадар куролмас, ажаб.  
Сен тушимга кирсанг, чиройинг билан  
Ёришиб кетади тун ҳам ярқираб.

Тушдаги тимсолинг, у тузал руё  
Шундай нур таратса сим-сиёҳ тунда,  
Тасаввур этаман, буларкан пайдо,  
Офтобдек чарақлар ёп-ёруғ кунда.

Булардим қанчалар шодон, бахтиёр,  
Битиб сунгсиз хижрон, айрилиқ туни,  
Қутлуғ бир субҳидам куз очиб, нигор,  
Баногоҳ ёнимда курсайдим сени.

Сендан айру куним тундир, эй санам,  
Тунларим кундуздир, сени куролсам...



Вужудим хаёлга айланса эди,  
Хаёлдек учишга бўлсайдим кодир,  
Бир зумда босардим масофаларни,  
Сенинг ҳузурингда булардим ҳозир.

Қанча йироқ бўлма, қанчалар олис,  
Ошиб уммонлардан, сарҳадма-сарҳад,  
Учардим гўёки фалакда юлдуз,  
Сенинг манзилингга етардим албат.

Аммо, хайҳот, мени улдирар бу дам,  
Мен хаёл эмасман, деган бир хаёл.  
Мен — тупроқ ва сувдан яралган одам,  
Учмоққа қайданам топардим мажол?

Тупроқман, тупроққа қуйиб бошимни,  
Сувдек оқизаман куздан ёшимни...





Бу дунёнинг узга икки унсури,  
Ел билан аланга менга мулозим.  
Уларни йуллайман манзилинг сари,  
Ҳаво — истагимдир, ут — эҳтиросим.

Севги, муҳаббатим элчиси булиб,  
Сен томон учаркан уша иковлон,  
Қолган бу иккиси уртага олиб,  
Бағримни хун айлар, ҳолимни ёмон.

Аҳволим харобдир уша элчилар  
Ҳузурингдан қайтиб келмагунча то.  
Улар келтиради менга хушхабар,  
Ёринг саломат, деб этишар нидо.

Шунда мен севиниб бир лаҳза, эй ёр,  
Сенга жунатаман уларни такрор...





Кузим билан қалбим талашар нуқул,  
Ки гузал қиёфаиғ яшайди кимда?  
Кузим дейди: менинг қароғимда ул,  
Юрагим дейдики, яшайди менда.

Кузим онг ичади: кечадир, кундуз,  
Ойинамда эрур жамоли унинг.  
Юрак қасам ичар: мисоли юлдуз  
Чарақлар менда деб тимсоли унинг...

Фикру мулоҳаза ҳукмида бу иш  
Курилди оқибат, гапнинг хулласи,  
Айтилди: нимадир юракка тегиш,  
Нимадир кузларнинг ҳаққи, ҳиссаси.

Жошим, сувратингни кузларим олди,  
Меҳру муҳаббатинг юракда қолди...





Кузим билан кунглим тузмишлар битим,  
Орада этмишлар чин аҳду паймон.  
Кузим интизорлик тортиб сен учуи,  
Қалбим соғинчлардан чекканда фиғон,

Бир-бирга мададкор булишар улар,  
Кузим куз-куз қилар қалбга сувратинг.  
Қалбим ҳам хаёлдан сочиб инжулар,  
Кузларимга чизар зебо талъатинг.

Хуллас, йулларимда ҳамиша ёғду,  
Кузларим унгида, хаёлимдасан.  
Сендан туролмасман бир нафас айру,  
Ҳар лаҳза сүзимда, саволимдасан.

Сенсиз бу дунёда кечмас бир дамим,  
Ҳатто уйқуда ҳам ёдинг ҳамдамим...





Сафарга отлашиб, майда-чуйдамни  
Сандиққа жойладим, қулф солдим ҳамон.  
Токи чакки босиб биров қадамни,  
Дахл этолмагай унга ногаҳон.

Эй сен, менинг олтин, гавҳарларимни  
Назарга илмаган, олмос гавҳарим,  
Қизғанамап ёмон кўзлардан сени,  
Узингсан дунёда қувончим, ғамим.

Шунинг-чун ҳар замон ғамингни ейман,  
Қайга қўяй, деймап сени беркитиб.  
Сени юрагимга жойласам деймап,  
Истасанг, кетарсан бир кун тарк этиб.

Ва лекин қурқаман шунда ҳам, дилбар,  
Илиб кетмасин деб сени уғрилар...



Уша қаро куним асло келмагай,  
Аmmo келар булса, қаршилай уни.  
Айбу нуқсонларим айтиб, аямай,  
Уқисанг қисматим аччиқ ҳукмини,

Уша кун сен мени қаҳрингга олиб,  
Одамлар олдида боқмай бир қиё,  
Курсанг ҳам узингни курмаста солиб,  
Енимдан саломсиз утсанг, бепарво,

Уша кун ошкор этаман кунглим,  
Ки асло муносиб эмасман сенга.  
Сен ҳақлисан, дея, кутариб қулим,  
Қасамлар ичаман ноҳақлигимга.

Дейманки, азизим, куллайман сени,  
Арзигаи юз карра рад этсанг мени...







Йул босиб бораман машаққат билан,  
Ҳориган бедовга ўзни ортмоқлаб,  
Эвоҳки, ҳар битта босганда қадам,  
Бахтимдан кетаман яна йироқлаб.

Отим ошиқмайди, аёндек гуё  
Унга юрагимнинг қайғуси, зори.  
Йулда ошиқарми йуловчи асло,  
Орғида қоларкан суюкли ёри?

Мен қамчи босаман, отим сакрамас,  
Фақат мунгли кишнаб, беради жавоб.  
Отим кишнар экан мунграб, шу нафас  
Менинг юрагимга тушар изтироб.

Дейман уз-узимга: хамроҳинг энди  
Қайғудир, қувончинг орқада қолди...





Сендан йироқ гушиб, йуларда дилхун,  
Кетганман огимнинг қадамин санаб.  
Жошим, айрилмоққа ошиқай печун?  
Аммо сен томонга юрсам, бошқа ган...

Унда гуёғидан чақнаб чақинлар,  
Отим кузғаларкан, кузғалур бурон.  
Шунда ҳам мен уни қистардим магар,  
Мунча имиллайсан, дея ҳар замон.

Унда йул деганнинг чиқарди чапги,  
Отим қаног ёзиб мисоли дулдул,  
Гарчи булса ҳамки ориқ, қирчанғи,  
Учқур хаёлданам узар эди ул.

Сендан кетганда гар суст эди, ялқов,  
Сен томонга бурсам, ут булур, олов...



Бойман, ҳар дақиқа куришим мумкин,  
Ноеб бир гавҳарим бордир, аломаг.  
Лекин биламанки, юракка уйғун,  
Бахтиёр дамларим оний, омонат.

Бир йилда бир марта келувчи байрам  
Қувонч бахш этади дилларга, қийғос.  
Энг нодир шодаю маржонларда ҳам  
Ҳа деб учрайвермас бебаҳо олмос.

Сени, эй азизам, юрак қагига  
Олмос порасидек яширмиш замон.  
Не бахтким, гоҳида эл диққатига  
Солиб, бир юлдуздек эгар намоён.

Висол тагганасин кўраман шунда,  
Умид учқунлари чакнайди менда...





Жоним, яралгансан қайси хилқатдан?  
Хар кимда бир соя бордир шу тобда.  
Аммо, сен юрсаң-чи, келур ортингдан  
Соялар, сувратлар милён ҳисобда.

Адонис<sup>1</sup> расмини мақгашар, аммо,  
У сенинг ҳуснингдан нусхадир, холос.  
Елена<sup>2</sup> га мафгун булмишди дупё,  
Сен уша сағьатнинг аслисан, олмос.

Баҳордек гузалсан, ёз каби дилдор,  
Чехранг, сийратингда яшар егги ранг.  
Егуклик фаслидек саховагинг бор,  
Кукламни эслатар лекин қиёфанг.

Ҳусналар сендаги ҳусну чиройда,  
Аммо пок юракнинг қиёси қайда?

---

<sup>1</sup> Адонис — Кипр подшосининг угли, Афродитани мафгун этган гузал йигит.

<sup>2</sup> Елена — Тангри Зевснинг соҳибжамол қизи.



Гузалик гузалдир юз бор, агарда  
Бағрида ҳақиқат эса ошкор.  
Атиргул сулимдир, яна ҳар лаҳза  
Таралиб тургувчи хушбуйи ҳам бор.

Худди атиргулдек курку чиройда,  
Айни тиконлидир заҳарли гуллар.  
Ез келиб, чечаклар кукарган жойда,  
Далалар қуйнида яшнайдилар.

Уларнинг бисоғи ҳуснидир фақат,  
Тугар ҳусни билан умри, баҳори.  
Аммо атиргулда битса тароват,  
Уфорга кучади умрининг бори.

Демагил: бир куни қолурман сулиб,  
Шеъримда яшайсан атиргул булиб...



Подшоларнинг мармар соғоналари,  
Олтин ҳайкаллари еврилади, бас.  
Лекин сен шеъримда яшайсан ҳали,  
Замонлар туфони сени кумолмас.

Не-не имораглар топади барҳам,  
Уруш, исёнларда булурлар адо.  
Қилич ҳам, олов ҳам бу ёзувлардан  
Учиролмас сенинг ёдингни асло.

Улим этолмагай сенга дахолаг,  
Майлига, душманлик қилишсин неча.  
Булурсан авлодлар меҳрида фақат,  
Шу дунёда туриб қиёмагача.

То уша қиёмат қойимга қадар  
Кузлар, кунгилларда яшайбер, дилбар...





Уйғон, гүзал севги! Куйдиргил куйиб,  
Очлик, ташналиқдан кам эмас ишинг.  
Қапчалар емасин гаомни туйиб,  
Эртага бари бир оч қолар киши.

Севгида ҳам шундай, агарчи бугун  
Истагига етиб, қоникмиш тамом,  
Эртага у очдир, оч-офат жууун,  
Яна жон уртайди, сурайди гаом.

Майли уммон булсин хижрон, уртада  
Севишганлар курсин висолга чаңқоқ.  
Охири, соҳилга етишган дамда  
Қувониб, бир-бирга очурлар қучоқ.

Қиш қаҳрига олсин олгунича то,  
Баҳорга интиқиб деймиз: марҳабо!





Мен сенинг қулингман, надир иложим,  
Эшигингда гуриб, кутишдан ўзга?  
Амрингни кутишдек борми қувоғчим,  
Кутаркан, дамимни ютишдан узга?

Кечган дамларимга ачинмайман, йуқ,  
Езгириб, таънага куммайман сени.  
Гарчи қисмат бўлди менга айрилиқ,  
Хайр, деб эшиқдан ҳайдадинг мени.

Рашким оловида уртаниб беҳад,  
Шубҳа-гумонга ҳам бормагум зинҳор.  
Мен бечора қулинг уйлайман фақат,  
Сенга етишганлар қандай бахтиёр.

Мен күйингда шундоқ муҳаббатли қул,  
Не этсанг, этмасанг, у менга маъқул...







Хой, қайда эдинг, деб сурармидим мен?  
Соҳиб ихтиёрсан, узингга масъул.  
Наҳот тафтиш этсам? Худо асрасин,  
Хужанинг ишига бош суқарми қул?

Амрингга ҳозирман, чақир ҳар замон,  
Хизмагингда бўлай узни унутиб.  
Менга сабр этишни буюрмиш осмон,  
Кугаман аламим ичимга ютиб.

Ишгами машғулсан, эрмакками ё,  
Узинг хужайинсан узингга ҳар дам.  
Бирор гуноҳ қилиб қуйсанг мабодо,  
Узингсан гуноҳинг кечиргувчи ҳам.

Гарчи кутиш оғир, дузахий азоб,  
Сени айбламайман сира, моҳигоб...





Дунёда янгилик йуқ эса чиндан,  
Бори ҳам боришинг такрори эса,  
Туғилган болани туғиб қайтадан,  
Нега этмоқдамиз ташвиш, талваса?

Хотирамиз қуёш чизган чизиқда  
Беш юз бор ортига айлансин тугал,  
Токи биз курайлик қадим битикда  
Суврагинг чизилмиш печук мукамал?

Хусну жамолинга гаъриф бўлгудек,  
Не демиш ушанда у қадим дунё?  
Илгари кетдикми, орқада қолдик,  
Бир жойда денсиниб турибмизми ё?

Аммо, биламанки, уша пайтда ҳам  
Таърифингга ташбиҳ етмаган, санам...



Кетма-кет ёприлиб денгиз тўлқини,  
Қиргоққа урилиб, суниб, битгацдай,  
Сўнгсиз лаҳзалар ҳам кун демай, туни,  
Кетма-кет келгай-да, йўқликка кетгай.

Кукдаги ҳилол ҳам товланиб майин,  
Тулишиб, осмонда ой булиб аста,  
Қизариб, заволга учрайди кейин,  
Уфққа бош қуяр ҳорғини, шикаста.

Йиллар шу мусаффо манглаймизга  
Ажинлар устига ажин солгуси.  
Замон ҳеч омонлик бермайди бизга,  
Ҳаммани уради унинг чалғиси.

Аммо у ожиздир шеъримга маним,  
Ҳамиша яшайсан унда, севганим...





Сенинг хаёлингми, тинмай чарх уриб,  
Менинг кузларимга бермаган уйқу?  
Сенинг тимсолингми, бошимда туриб,  
Жошимга ут солган, қалбимга туйғу?

Сенинг руҳингми ул, гузал дилхоҳим,  
Йироқлардан учиб ёшимга келмиш?  
Бир йула фош айлаб айбим, гуноҳим,  
Кечган кунларимни этмоққа тафтиш?

Йуқ, ишқинг оташи баландмас унча,  
У менинг севгимдир, соғинчим ҳамон.  
Кузимдан уйқуни олиб ҳар кеча,  
Сенинг бошинг узра тургувчи посбон.

То меңдан йироқсан, бошқага ёвуқ,  
Кузларим юмилмас, меңда уйқу йуқ...





Худнарастлик сингиб кетмиш кузимга,  
Юрагимга сингмиш, қонимдадир у.  
Шунчалар баладдир меҳрим узимга,  
Бунга қарши борми дунёда дору?

Наздимда тенгсиздир ҳусну чиройим,  
Мендек бир жумард йуқ, марду ҳалол йуқ.  
Бу дунёда йуқдир менинг баҳойим,  
Сабабки, мен каби курку камол йуқ.

Ва лекин тусатдан кузгуга боқиб,  
Юзда ажинларим куриб баногоҳ,  
Дейман уз-узимга, юрагим ёқиб,  
Уйлаганим бари янглишдир, хато.

Куркам қиёфанга тикиб кузимни,  
Дустим, мен курибман унда узимни...



Қаро кунга қолса севгим даврони,  
Хозир менга ухшаб, йиллар угаркан,  
Қариса, совуса томирда кони,  
Юзига ажинлар из солса чиндан,

Заволга учраса кукдаги ойи,  
Ошпоқ тонги тунга рубару булса,  
Тарк этса ёшлиги, хусни, чиройи.  
Хазонларга учраб, баҳори сулса,

Уша кунга менинг ҳозирлигим бор,  
Севгим сувратини чиздим, куринг сиз.  
Учиролмас уни замонлар зинҳор,  
Унинг қаршисида ажал ҳам ожиз.

Қаро сатрларим аро яшар ул,  
Хазонсиз баҳордек, доим ям-яшил...





Курдим, вақту замон аямайди, бас,  
Пайҳон эгиб келар қадам-бақадам.  
Қалъалар емрилар зарбидан, қолмас,  
Йиқилар минг йиллик миноралар ҳам.

Денгиз талпинади кирғоққа қараб,  
Бир қарич ер олсам дейди ҳар маҳал.  
Лекин қуруқлик ҳам денгизни талаб,  
Ҳисобни тенг қилиб яшайди ҳар гал.

Йиллар утар экан, чарх уриб замон,  
Азим салғанатлар топар таназзул.  
Демак у менга ҳам бермайди омон,  
Бахтим, севинчимни олиб кетар ул.

Эвоҳ, улим экан барчага омад,  
Севги ҳам, севинч ҳам бизга омонат...





Агарки мис, мәрмар, денгиз, тоғу тош,  
Ожиз эқан замон олдида буткул,  
Хусну латофатинг берарми бардош  
Унинг босқинига, аё нафис гул?

Атиргул буйидек нафасинпи, хай,  
Асрай олармидинг замоңдин, санам?  
Амр этса, қоялар тукилар тутдай,  
Писанд эмас пулат дарвозалар ҳам.

О, аччиқ хаёллар!.. Шунчалар ушиб,  
Яшнаган гулни ким тусар хазондин?  
Борми бир паҳлавон, хазонни тусиб,  
Гулни асрағувчи вақту замондин?

Умид йуқ, севгилим яшайди абад  
Қора сиёҳимнинг сатрида фақат...







Кайдасан, хай, улим? Тугади гоқат,  
Олиму фузало сурар садақа.  
Елғон қасам ичар аҳли диёнат,  
Фақирни этишар кулгу, калака...  
Ва хашам либосда юрган жаҳолат,  
Ва хурланган номус, тошталган иффат,  
Ва чин етукликка бухтон, маломат,  
Ва ношуд, нотавон қулларда қудрат,  
Ва сапғат сузига тазийқ, қатағон,  
Ва ўзни допишманд тутган ҳамоқат,  
Ва нодон сапалган самимий виждон,  
Яхшидан ёмонга хизмат, садоқат...  
Баридан чарчадим, кетардим кечиб,  
Ёрим, сени ёлғиз қолдирай нечук?





Нега яшар иллат, мазаллагда ул,  
Оқламоқчимидир беномусликни?  
Бекитмоқчимидир ёлғоши буткул,  
Жозибаси билан хаспушлаб уни?

Юзига тус берган табиий оташ  
Ўрнига ранг истар нега санъатдан?  
Гузалликни нечун излайди яккаш  
Сохта атиргулдан, сийқа зийнатдан?

Нечун уни асрар она табиат?  
Қанча уринмасин, булмас, энди кеч.  
Юзлари уягдан қизармас минбаъд,  
Томирида қоши уйнамайди ҳеч.

Табиат асрайди айгмоққа магар:  
На гузал давлатим бор эди аввал.





Унинг юзи — утган хуш айёмларнинг  
Тиниқ кузгусидир, тортмайди хира.  
У замон гул каби яшнарди хусни,  
Сохта рангу жило булмасди сира.

У дамлар мазорга кириб, марҳумнинг  
Тинчини бузмасди биров ҳеч қачон.  
Қайта сайқал топган заррин кокили  
Бошқа бош устида тутмасди макон.

У дамлар бу юзда куринар аниқ,  
Буёқ, бежамасиз, табиий, расо.  
Гулгун чехрасида сохтагарлик йуқ,  
Янги деб эскидан кечмамиш асло.

Асл гузаллик не, ё сохта ҳусн?  
Табиат қиёслаб курсагар бугун...





Ташқи қиёфангни курганлар, албат,  
Дархол тан беради, йигитсан барно.  
Барча кузлар боқиб дейди: аломат,  
Эъгироф этади душманинг ҳатто.

Ташқи қиёфанга — ташқи эҳтиром,  
Аммо узга фикр, узга ақида  
Тилларда жараиғлар, суз борса ҳамон  
Кузларга қурипмас қалбинг ҳақида.

Қалбинг хусусида гап-сузлар юрар,  
Қалб деган амалда қурилади, бас.  
Атиргуллар усган боғингни, дерлар,  
Ут-улан қопламиш, хазон, хору хас.

Боғинг бедарвоза эмишдир чунон,  
Ҳамма киравериб, айламиш пайхон...





Сени айбласалар, айбингмас сенинг,  
Гузаллик ҳамиша ғийбатга нишон.  
Кучи етармидир сенга ғийбатнинг,  
У тиниқ самода қаргадир ҳамон...

Ажаб дилрабосан, ғийбаглар билан  
Камаймас, қайтага ошар қийматинг.  
Қурт ҳам ширин гулни танлайди, санам,  
Баҳордек мусаффо, покдир иффатинг.

Ёшлик камолидан чиқдинг бир йула,  
Ёки мағлуб бўлди ўзи хужумкор.  
Аммо покдомонлик, ҳалоллик ила  
Бухтошинг оғзини бекитмоқ душвор.

Тухмат солмасайди қора куланка,  
Сен эдинг дунёда тапхо малика...





Шоир вафот этса, чекмагил қайғу,  
Бутхона чаларкан сунгги кунғирок,  
Бу тубан дунёни яна-да олчоқ  
Қуртлар дунёсига алиштирди у...

Сен бу сатрларим уқиб, уксима,  
Буни ёзган қулга ачинмагил ҳам.  
Жоним, истамайман, мотамим ила  
Кузингга ёш олсанг, кипригингга нам.

Токи шеърим мени қайта ва қайта  
Эслатиб, ёдингга солмагай давом,  
Мен сунгги нафасдан узилган пайтда  
Сенинг муҳаббатинг тугасин тамом.

Мен учун йиглама чекиб оху воҳ,  
Ғийбатга баҳона топмасин дунё...





Токи қийнамагай сени халойиқ,  
Не боис шунчалар севдинг деб уни,  
Сурамасин десаиғ, эслама ортиқ,  
Яхшиси, бир йула унутгил мени.

Йуқса, арзигулик бирор хислатим  
Тополмай, хаёлинг булганда сарсон,  
Ошкор этмоқ учун йуқ фазилагим,  
Илгифот қиласан, туқийсан ёлғон.

Самимий севгинг ҳам қизарар шунда,  
Ёлғон мақтовлардан чекар хижолат.  
Агар номимни ҳам кумсаиғ қабрға,  
Сенга ҳам, менга ҳам булмас маломат.

Йуқни бор демагил, ёлғонни ёйма,  
Мени икки карра уятга қуйма...





Сен хазон фаслини курасан менда,  
Дарахт шохларида бир-икки янроқ  
Саргайиб, дилдираб туради елда,  
Қушлар сайрамайди, жимжит ҳамма ёқ...

Сен менда курасан оқшом палласин,  
Суник шафақ қолур уфуқда фақат.  
Қоронғулик қоплаб осмон гумбазин,  
Зим-зиё тун босар, улимдек зулмат...

Сен менда қурасан гулханни, утни,  
Ки ёниб битмиш-да, кул булмиш ҳамон.  
Гарчи ҳаёт эди кеча ёлқини,  
Энди қабр булур менга бегумон.

Сен шуларни куриб, чекасан фироқ  
Ва мени севасан яна-да купроқ...







Қачонким, айламай заррача шафқат,  
Ажал келиб, мени ҳибсга олур,  
Мендан ёдгор булиб абадул-абад,  
Ёзган сатрларим сен билан қолур.

Сен уларни уқиб такрор ва такрор  
Курасан не эмиш мадҳинг, баётинг.  
Таним тупроқ эди, тупроққа борар,  
Рухим сенга тегиш, сенинг бисотинг.

Жоним, йуқотганинг не эди уша?  
Қуртларнинг емиши булган совуқ тап.  
Уни, пичоқ тираб саёқ бир кимса,  
Истаса, тортқилаб оларди сендан.

Ажал ола қолсин тани вайроним,  
Мен сенга жонимни бераман, жоним...



Сендан туйдираман оч пазаримни,  
Емғирни симирган каби ташна ер.  
Ҳеч кимга ишонмай хазинасини,  
Довдираб юргандек хасис, зикна эр.

Баъзан ташвиш чекар уйқуси қочиб,  
Баъзида хурсанд у, бесабаб кулар.  
Гоҳо термулади сандиқни очиб,  
Гоҳо куз-куз қилиб, яйрамоқ булар...

Мен ҳам худди шундоқ, базму йиғинда  
Бир қиё боқишинг кутаман, ҳайҳот.  
Сенга куз тикаман, хаёлим сенда,  
Узинг азобимсан, узинг мукофот.

Кунларим кечаркан, орзиқар кунгил,  
Гоҳи бадавлатман, гоҳида йуқсил...





Шеърим чақнамайди янгилик билан,  
Ҳамон уша уша эски иморат.  
Янгича бир усул изласаммикан,  
Турли шакллару турфа ишорат?

Нега такрорлайман мен битта гапни,  
Ва эски қолипда этаман баён?  
Суз борки барчаси танийди мени,  
Унинг не сүзлиги менга ҳам аён.

О мен бир нарсани ёзаман, жоним,  
Севгим ва севгилим — ягона мавзу.  
Эски саналарму севги дostonим,  
Янги муҳаббатдан хабар берса у?

Ҳар тонгда янгидир эски қуёш ҳам,  
Менинг муҳаббатим қуёшга монанд...





Сочингдаги оқни курсатар кўзгу,  
Соатинг — соврилган дақиқаларни.  
Оқ қоғозга тушса фикр ва туиғу,  
Бир куни албатта уқишар уни.

Ажинлардан боқар йуқотган нақдинг,  
Уларни боғлайсан сабабиятга.  
Соат ҳам чиқ-чиқлаб санайди вақтинг,  
Лахзалар сингади абадиятга.

Ҳар нарса хотирда гурмайди, инон,  
Қоғозга туширсанг, асраб қолур хат.  
Уша болаларинг бир кун ногаҳон,  
Олдиндан қийқириб чиқади албат.

Ногаҳон топилган сатрлар у дам  
Дардга дармон булур, жонингга малҳам...





Мен сени музам деб атадим, дилдор,  
Куйладим илҳомим илоҳаси деб.  
Бугун кун шоирлар ёзаркан ашъор,  
Сенинг номинг булур мисраларга зеб.

Кузларингга боқса, куйлар соқов ҳам,  
Ҳагтоки жаҳолат учади кукка.  
Қанот бахш этасан санъатга, санам,  
Нафосат етишар улуғворликка.

Менинг юрагимда ғурур, қаноат,  
Агарчи эмасман помдор фалончи,  
Узгалар шеърига зийнатсан фақат,  
Менинг шеърим учун сабаб, илҳомчи.

Санъат санъатингдир, қўллаган уша,  
Шеъримни юксакка йўллаган уша...





Илхомим париси булганда узинг,  
Шеърим қандай янгроқ, жараиғдор эди.  
Бугун илхом аро ёнмас юлдузинг,  
Бечора музамнинг овози тинди.

Мен ожизлигимга этаман иқро,  
Шоирлик санъатин сурагил мендан:  
Узингдан уғирлаб, узингга берар,  
Бундан бошқасини кутмагил ундан.

Фазилатни суйлар, сузи ёлқини  
Хулқу атворингдир, ундан узгамас.  
Гузалликни куйлар, сабабки уни  
Юзинг, ёноғингдан олмишдир эваз.

Узингдан қарз олиб, уни ҳар тугул  
Узингга қайтарса, айтма ташаккур...





О, гузалим, қандоқ мадҳ этай сени,  
Мақтовингни айтиб, печук чекай ун?  
Узга бир соз янграб, куйлаб васфингни,  
Бағримга ут солди, тилимга тугун.

Гоҳида тўлқинли, тошқинли уммон  
Йирик бир кемага бергандек суръат,  
Муъжаз қайиққа ҳам булғуси майдон,  
Шунинг-чун сузмоққа айладим журъат.

Уммонда сузмоқлик мен учун мушкул,  
Мадад берсанг-ку, хуп, йукса, чукарман.  
Оппоқ елкаларин ёйиб сузар ул,  
Тубсиз унқонларни этмайди писанд.

Майли, унга боқсин омад ва иқбол,  
Майли, муҳаббатда топай мен завол...



Дустим, айтарманми сенга алвидо,  
Еки сен гупроққа қуярсан мени?  
Мен улсам, хотирам учар мутлақо,  
Ўлим учиролмас катордан сени.

Бирор пому нишон қолмагай мендан,  
Мен бориб, ёгарман қабрга ҳамон.  
Сен этиб тириклар кунглини маскан,  
Тириклар кузида тутарсан макон.

Менинг шеърим булур сенга ёдгор,  
Уни ўқир ҳали неча бир авлод.  
Қиссангни этишар тилларда такрор,  
Ҳозирги наслга етса ҳам мамот.

Қаламим кафилдир учмайди номинг,  
Тирик нафасларда булур мақоминг...







Менинг шеърим билан гопишмагансан,  
Бировлар шеърини бахш этса сенга,  
Қатъий баҳоламай, ҳукм этмасдан,  
Шафқат кузи билан боқасан унга.

Хуснингдек баланддир ақлу идрокинг,  
Менинг мақтовимдан куп бора юксак.  
Шунинг-чун ёзганим сатрларда сен  
Янги ташбихларни излайсан бешак.

Майлига, ён берай мен рақибларга,  
Эҳтимол сузларим ёнмас ярқираб.  
Ҳақиқатгуй дустинг содда сузлар-ла  
Сенга ҳақиқатни айтса, не ажаб.

Рангпар чехраларга ранг керакдир, хун,  
Сенга ҳожат эмас, юзларинг гулгун...



Гузалим, дилрабо чиройинг учун  
Рангу буёқларга йукдир зарурат.  
Шоир мақтовидан неча бор устун,  
Баланддир сендаги сеҳру латофат.

Шу боис жим туриб, сақлайман сукут,  
Курку малоҳатинг этмайман баён.  
Токи ул жозиба, хуснинг аро ут  
Офтобдек узини этсин намоён.

Менинг жим туришим сени ранжитиб,  
Дилингни оғритмиш, келмиш малолинг.  
Бошқалар ҳар замон мадҳингни битиб,  
Камситар беқиёс ҳусну жамолинг.

Сенинг бир нигоҳинг васфига, санам,  
Ожиздир бир эмас, неча бир қалам...





Суз борми ҳаққоний сузданам ортиқ,  
Тасвир айлагувчи сенинг камолинг?  
Қайда бордир яна шушчалар ёшиқ  
Хуснинг каби ҳуси, гузал тимсолинг?

Сеҳринг тасвирига ожиздир қалам,  
Бир зарра қушолмас бориға балким.  
Аммо тасвир этар, шарафлайди ҳам,  
Уши борлигича баён этса ким.

Табиат сузлаган сузни бир карра  
Такрорлаб, таърифинг айласа аён,  
Замон утса ҳамки печа бир марра,  
Халойиқ кўз тикар ошуфта, ҳайрон.

Не ҳожат шаънингга мақтов, хушомад,  
У сенга маломат келтирар фақат...



Камтарин музамнинг тиллари тугик,  
 Узгалар мадҳ айлаб сени шу асно,  
 Шеърлар битишади манзур булгудек,  
 Олтин қаламларда этишиб иншо.

Уларда суз эса, менда хаёл, уй,  
 Бесавод муллага ўхшайман бироз.  
 Ҳар гал шеър уқилса, янграб мисли куй,  
 “Омин!” дейиш келар қулимдан, холос.

Ҳар гал “Балли!” дейман, “Айтганинг тугри!”  
 Ва яна бир нима қушаман баъзан.  
 Аммо қалбим тула лиммо-лим туйғу,  
 Айгиб беролмасман уни суз билан.

Уларни қадра сузлари учун,  
 Мени эса — сузсиз туйғуларим-чун...





Унинг шеъримидир, елканларини  
Ёзиб, ҳар дақиқа ортингдан қувган?  
Менинг тилакларим, ниятларимни  
Хазонрезги этиб, бағримга кумган?

Унинг қулигами қалам тутқазиб,  
Ёзишга ургатган алла қандай руҳ?  
Махоратини сунг кукка етказиб,  
Бошқалар оғзига муҳр босган у?

О, йуқ, па у, па мададкор улфати —  
Туңларда маслаҳат бергувчи руё,  
Бутун борлиғимни босиб ҳайрати,  
Мени бундоқ унсиз этолмас асло.

Сен унинг шеърида этилсанг такрор,  
Менинг шеърим турар бир четда ночор...





Хайр! Ортиқ тутиб туролмам сени,  
Гарчи мухаббатинг азиз, бебаҳо.  
Мен шурлик гаровга олгандим уни,  
Қайтариб бераман, мана, марҳабо...

Севгинг инъом эди, жоним, мен учун,  
Уни заҳмат чекиб топмадим зиҳор.  
Уртадаги аҳду паймонни бугун  
Бузишинг мумкиндир, сенда ихтиёр.

Гавҳар совға қилиб, узинг эҳтимол  
Унинг қиймагини билмасдинг ҳали.  
Е мени билмасдинг, эй соҳибжамол,  
Ёки мен эмасдим олмоққа ҳақли.

Уйқуда тож-тахтли эдим, подшо,  
Уйғониб, баридан булдим мосуво...





Мендан кунглинг совиб, айласанг бадном,  
Ва мендан юзини угирса омад,  
Мен сенинг ёнипти оламан тамом,  
Шаънингга тушмагай зарра маломат.

Менга аён айбу нуқсонларим, бас,  
Улардан бир қисса туқийман шуңдоқ,  
Эшитгач, ҳеч кимса таъна эголмас,  
Одамлар олдида юрасан оппоқ.

Ютуқ мен томонда булур бегумон,  
Сабабки, мен сени уйлайман, санам.  
Бу йулда узимга этганим зиён  
Сенга фойда булар, демак менга ҳам.

Майли, ноҳақ дея айблашсин мени,  
Фақат билишса бас ҳақли деб сени...



Юз угирдинг қайси гуноҳим учун?  
Айгиб бер, айтганинг қувватлай шу он.  
Мени чулоқ дея айласанг ҳукм,  
Тиззамни букишга ҳозирман ҳамон.

Шундоқ деб аташга тилинг бормади,  
Узингни нима деб оқлайсан, ажаб?  
Майли, тошиб берай узим бир сабаб,  
Узимни узгача тугаман энди.

Номингни тилимга олмайман ортиқ,  
Сени эсламоқни санайман гуноҳ.  
Одамлар олдида бегона янглиғ  
Боқиб, ошнолигинг билдирмам асло.

Узимни қийноққа соламан ҳар дам,  
Сенга ёқмаганлар ёқмас менга ҳам...







Агар юз угирсанг, ҳозироқ угир,  
Шу дунё терс боқиб турганда менга.  
Сен ҳам шу дақиқа шамширингни ур,  
Фақат сунгги томчи бўлма ғамимга.

Ғамимни енголсам, ортимдан шу он  
Тошлар отма менга, оғир ботар, хай.  
Токи даҳшат солиб тун буйи бурон,  
Тонгга етишганда ёмғир қуймагай...

Мени тарк айла сен, мажолим қуриб,  
Ташвишлардан ҳорган онимда эмас,  
Ҳозироқ тарк айла, қапчалар оғир  
Йуқотганимни мен билай шу нафас.

Ташвишлар не эмиш, кундалик одаг,  
Сени йуқоғмоқлик менга фалокаг...





Биров кучи, биров наслу насаби,  
Бировлар давлати миқдори билан.  
Биров кийим билан мақтанар, биров  
Лочини, тозиси, тулпори билан.

Ҳар кимда бир майл, эрмак, эҳтирос,  
Ҳар ким бир нарсага бойламиш кунгил.  
Аммо бу майллар эмас менга хос,  
Менинг эҳтиросим узгадир буткул.

Менга севгинг афзал ному насабдан,  
Не эмиш давлатинг, олтин, қумошинг?  
Ҳар гал бир илтифот етганда сендан,  
Бошқалар олдида баланддир бошим.

Агар сен севгингдан айласанг жудо,  
Шу замон булурман аянч бир гадо...





Мендан қочиб қайга борардинг, жопим?  
Сунгги нафасгача булурмиз бирга.  
Муҳаббатинг ила кечар давроним,  
Муҳаббатинг ила улурмиз бирга.

Бало-офатлардан қурқмасман асло,  
Улим қаршисида тушармидим паст?  
Хуш ёқар этганинг нозу истиғно,  
Ранжу озорларинг менга писандмас.

Хиёнатингга мен бераман бардош,  
Ханжар у, куксимни айлагай тилим.  
Мен эса хурсандман, кузларимда ёш,  
Ахир, узингсан-ку менинг қотилим.

Фақат сезмасам-чи хиёнатингни,  
Деган бир ваҳима қийнайди мени...





Майли, сени санай садоқатли деб,  
Гарчи узгаргансан, аёндир ҳолинг.  
Узинг мен билансан, лекин ажабким,  
Узга жойда эрур кунглинг, хаёлинг.

Аммо боқишларинг ҳамон мулойим,  
Уларда риё йуқ, самимийсимон.  
Шундай юзлар борки, уларда доим  
Хиёнат акс этар, булур намоён.

Демак, осмонларнинг буюргани шу,  
Дилинг алдар, тилинг алдайди, аммо,  
Юзингда балқийди тиниқ бир туйғу,  
Кузларинг боқади маъсум, мусаффо.

Одам Атога ҳам Ҳавво олмаси  
Шундай ширин, тотли булган чамаси...





Кимки подшо бўлиб, зулм эгмаса,  
Зур бўлиб, булмаса худбин, зуравон,  
Узга инсонларни илгари сурса,  
Узи қоятошдек турса совуққон,

Унга осмонлардан ёғар эзгулик,  
Ер ҳам азиз туғиб, эгади тавоф.  
Муяссар булгуси унга буюклик,  
Буюк деб узгалар этар эътироф...

Ёз ҳам асл гулни асрайди албат,  
Гарчи узи яшнаб, узи тукилар.  
Лекин гулга ногоҳ ин қуйса иллат,  
Бегона ут ундан куп марта афзал.

Димоққа хуш ёқмас хаста атиргул,  
Ундан ут-уланни ҳидлаган маъқул...



Безашга устасан шармандаликни,  
Лекин атиргулга тушгандек офат,  
Ғийбат ёмоноглиқ этади сени,  
Шаһнингни булғайди доғи маломат.

Миш-мишлар чарх урса, яна сен сабаб,  
Тахмину гумонар кун-кундан зиёд.  
Таъналар мақтовга айланур, ажаб,  
Сенинг номинг ила оқланур исюд.

Сенга маскан булмиш на гүзал сарой,  
Унда васвасадан нима бор узга?  
Иллатни беркитиб туради чирой,  
Ҳамма нарса гүзал куринар кузга.

Иллат гузалликни емирар, аниқ,  
Занг босган қилич ҳам кесмайди ортиқ...





Биров ёшлик, дейди айбингни айтиб,  
Биров енгилтаклик, дейди, бебошлик.  
Ажабки уволни савобга чатиб,  
Айбини чиройга урайди ёшлик.

Тош ҳам гавҳар каби товланур куркам,  
Малика қулида касб эгиб қиймаг.  
Худди шундоқ сенинг хатоларинг ҳам  
Бировлар наздида гуё фазилат.

Бури қуй терисин ёпиниб чунон,  
Не-не қузиларни қилур дабдала.  
Ҳали сен купларни этасан сарсон  
Шу ёшлик, шу хусну малоҳатинг-ла.

Жоним, ундоқ қилма, севаман сени,  
Ғийбатлар ноумид этолмас мени.





Сендан айру тушиб, теграмда фақат  
Курганим қиш булди, совуқ, қаҳратон.  
Қандай аёз эди, қанчалар зулмат,  
Шии-шийдам декабрь якка ҳукмрон.

Орада ёз утди, қисқарди кундуз,  
Қадамларда суръат сусаймади лек.  
Оғир-оғир босиб кела қолди куз,  
Оғироёқ булган бева аёлдек.

Отасиз мевалар гуғилгайми деб,  
Ҳаммада орзиқиш эди, кутишлар.  
Ездан йироқ эдим сендан айрилиб,  
Сенсиз сайрамасди теграмда қушлар.

Биров ҳуштак чалса, босарди ташвиш,  
Барглар қалтирарди келмоқда деб қиш...







Сендан йироқ эдим баҳор келганда,  
Апрель бисотини ёймишди гузал.  
Кулиб, хандон отиб само қуйнида,  
Тунлари рақсга тушарди Зухал.

На қушлар сайраши, на гулларда чуг,  
На муаггар ҳидлар маст этмиш мени,  
Баҳор эртагини айголмадим, йуқ,  
Термадим илк куклам чечаклариши.

Ёсуманга боқиб, булмадим ҳайрон,  
Атиргул ҳайратга солмади сира.  
Гуллардаги ранглар, жилвалар, жонон,  
Юзинг, дудоғингдан эди хотира.

Қалбимда қиш эди, теграмда баҳор —  
Сенинг соянг эди, гузал, беғубор...





Биһафшага боқиб, этдим таъналар,  
Сендан уғирламиш атрини фақат.  
Нафис япроқчалар хусни ҳам магар  
Нозик лабларингта этар ишорат.

Есуман — қулларинг гимсолидир ул,  
Сунбул — қора сочинг, кумуш тароғинг.  
Юзингни эслатар оппоқ атиргул,  
Қирмиз атиргуллар — оташ ёноғинг.

Нафасинг уфурар анави гулдан,  
Ажаб, оқ эмасдир, қизил ҳам эмас.  
Балки уғрилиги касофатидан  
Кул тушиб, қийратар уни шу нафас.

Гуллар оширмоқчи булиб қадрини,  
Сендан уғирламиш ранги, атрини...





Қайлардасан, Муза? Не учун сенга  
Илҳом бахш этганини унутмиш созинг?  
Рангпар қушиқларинг айтасан кимга?  
Кимларга деб янграр бугун овозинг?

О, бетайин Муза, қуй бу равишни,  
Муносиб кимсага қуйла тарона.  
У сенга ургатар қандай ёнишни,  
Сузингни суз қилур, асл дурдона.

Сен унинг чехраси, чиройига боқ,  
Гар унда тополсанг ажиндан нишон,  
Нафрат отабини юрагингда ёқ  
Ва уни замонга сочгил шу замон.

Хусну латофати кетмасдан тузиб,  
Сен уни пақш айла, замондан узиб...





Эй ҳавойи Муза, не учун яккаш  
Хусну ҳақиқатни гугасан айру?  
Ҳақиқат ва хусн дустимда гугаш,  
Сени ҳам кукларга кутармишди у.

Балки дерсан Муза: ҳақиқат учун  
Рангу буёқлару зийнат не ҳожат?  
Гузалликни яна безамоқ нечун?  
Унга комиллиги басдир, кифоят.

Мақтов керакмидир мукамалликка?  
Аммо, сен жим гурма, мадҳ айла уни.  
Токи овозаси кетсин оламга,  
Ортида қолдириб ҳашам қабрини.

Муза, сен куйлабон дустим камолин,  
Асрларга етказ унинг гимсолин...





Мен жондан севаман, юракдан, тоза,  
Гарчи юрсам ҳамки шавқига тулиб,  
Баъзи бировлардек этиб овоза,  
Ҳар ерда ёзмайман дастурхон қилиб.

Севгимиз ёш эди, ҳали навқирон,  
Мен ишқим найини чалдим ҳар куни.  
Булбул ҳам баҳорда бошлагай достон,  
Аммо ёз келганда тўхтагар уни.

Агарчи сулимдир, чиройлидир ёз,  
Тунлар ҳам нашъали, гузал, дилрабо.  
Лекин ҳар оғочда неча бир овоз  
Ва ҳар бир бутоқдин таралур садо...

Бошқалар жур бўлиб қушиқ айтган дам,  
Булбулдек тин олиб тураман мен ҳам...





Ҳайҳот, менинг музам бенаво қолмиш,  
Куйламоқ мавруди келмишди гузал.  
Ва лекин бор гапни бориҷа айтиш  
Таъриф, тавсифлардан куп марта афзал.

Бугун ёзолмасам, меши айблама,  
Кузгуга куз солиб, суврагингга боқ.  
Кузгудаги аксинг неча бир карра  
Менинг мақтовимдан баланддир, порлоқ.

Нечун етукликка етказмоқ зиён,  
Буёқларга буяш қиёфатингни?  
Менинг шеърим ожиз, этолмас аён  
Сенинг назокату нафосатингни.

Қиёфангни кузгу курсатар аниқ  
Менинг таърифимдан юз карра ортиқ...





Дустим, сен ҳамиша ёнсан, навқирон,  
Илк бор курганимдан буён то ҳануз  
Уч бора қиш утди, аёз, қаҳратон,  
Уч бора ёз кечди, чакнатиб кундуз.

Уч баҳор уч олтин кузга улашди,  
Фасллар карвони тинмади бир дам.  
Уч ҳамал уч жавзо билан тугашди,  
Сен ҳамон йигитсан, тетиксан, бардам.

Соат мили секин қимирлар жуда,  
Баъзида сезмайсан айланишини.  
Дустим, худди шундоқ, сенинг юзингда  
Кузларим пайқамас йиллар нақшини.

Балки таваллудинг олдидан фақат  
Уфукни тулдириб ёнгандир шафак...





Бутпарастлик деманг менинг сидқимни,  
У меҳр қуйганим эмасдир санам.  
Мен уни мадҳ этиб, қушиқларимни  
Елгиз унга агаб, унга айтаман.

Бугун сидқим баланд, эрта ҳам шундай,  
Бу туйғу барқарор, собитдир, ёниқ.  
Шеъримда шу ёниқ меҳримни бирдай  
Қуйлайман, узгалар билан ишим йуқ.

Хушсуврат, меҳрибон, одил — уч далил,  
Хушсуврат, меҳрибон, одил — шу уч суз.  
Юксак фазилатга ҳамиша кафил,  
Ҳар гал таркибида маъно бор нафис.

Хушсуврат, меҳрибон, одил — уч сифат  
Сенинг қиёфанга бахш этар зийнат...







Уқийман қадимий солномаларда  
Илҳомга йуғрилган шеърий сатрлар.  
Ажаб, тасвирини топмиш уларда  
Тенгсиз гузаллару буюк ботирлар.

Қаламқаш тасвирга оларкан у дам  
Ғунча дудоқлару қошлари ёйни,  
Курдимки, мохирдир у доно қалам  
Чизмоққа сен каби хусну чиройни.

Аммо келажакка куз солиб яккаш  
Боқаркан висолинг курмоққа муштоқ,  
Сенинг хуснинг каби хусни париваш  
Унинг хаёлига келмамиш мутлоқ.

Биз гузал чехранга куз тикиб дилсуз,  
Унинг тасвирига тополмаймиз суз...





На уз хавотирим, на башоратгуй  
Кимсалар айтолмас, қачонга қадар  
Севги насиб эгар менга, моҳируй?  
У ҳам адо булар бир кун муқаррар.

Гарчи ой гугилди кукда ноилож,  
Ёлғон башоратлар букмади уни.  
Тож кийиб, тахтига ултирди ишонч,  
Тиғчлик узайтирди зайтун умрини.

Улим таҳдид эгар менга, не писанд?  
Шеъримда яшайман, қурқинч эмас ул.  
Улим маърифатсиз ва ёниқ суздан  
Маҳрум қавмларни қурқиға олур.

Мустабидлар утар навбат-банавбат,  
Сен менинг шеъримда яшайсан абад...



Мия кашф эгарми янги суз яна,  
Езмокқа фазлингни, заковагингни?  
Айтмокқа бормидир янги ибора,  
Менинг меҳрим, сенинг саховагингни?

Азизим, бундай суз, иборалар йўқ,  
Тақводор дуосин этгандек такрор,  
Мен сенга содиқман, сен менга содиқ,  
Деган гаини ҳар кун айтаман юз бор.

Муҳаббат боқийдир, туғилиб ҳар гал,  
Яна уша-уша, навқирон, уқтам.  
Юзлари ой каби ёришган гузал  
Оёққа турғизар қариларни ҳам.

Севги йўқ, улди, деб айтилган замон  
Муҳаббат таваллуд топар бегумон...





О, сен шубҳа-гумон айлама мендан,  
Хаёлим сендадир, майлим узингда.  
Қандаи айро тушай узим, қалбимдан?  
Қалбим гупуради сенинг куксингда.

Узинг напоҳимсан, эътиқодим шу,  
Кеча кетган бўлсам, қайтаман бугун.  
Ҳар гал келтираман узим билан сув,  
Шаънимдаги доғи ювмоқлик учун.

Ишонма, агарчи гуноҳим талай,  
Адо булмиш дея айтсалар мени.  
Сенга талпинаман, қандоқ унутай,  
Шунча марҳаматлар қилган кимсани?

Сенсиз ҳеч нарсадир дунё, севгилим,  
Шу дунёда борим узингсан, гулим...





Ҳайҳот, мен тегираб юрдим, саргардон,  
Бировлар олдида булдим масхара.  
Сотдим қимматбаҳо нарсамни арзон,  
Солдим муҳаббатим куксига яра.

Рости гап, боқмадим узимни унглаб,  
Ҳақиқат юзига, кейин ашладим.  
Шунчалар янглишиб, яна, вожаб,  
Ёшлигимга қайтдим, сени танладим.

Тугади ул ҳою ҳаваслар, тинди,  
Эрмак деб этмасман узни шарманда.  
Муҳаббатим синов этмасман энди,  
Узинг илоҳамсан, мен сенга бада.

Яна осмонларни эт менга маскан,  
Жоним, яна жой бер менга куксингдан...





О, жоним, ҳақлисан шум тақдиримни  
Қарғасанг, койисанг, этсанг надомат.  
Не ёмон куйларга солди у мени,  
Шаънимга қуйди куй доғи маломат.

Буёқчи хунарини пинҳон туголмас,  
Менинг ҳам юракда аламим шуңдан.  
Маломат доғини этолмаам абас,  
Ювишга ёрдам бер, кутилай ундан.

Сабрли бемордек югмоққа шайман  
Ҳар не захар-заққум доруларингни.  
Ҳеч қачон аччиқни аччиқ демасман,  
Жазо деб билмасман оғуларингни.

Фақат дариг тутма, жоним, ҳимматинг,  
Ярамни тузагар меҳру шафқатинг...



Меҳру шафқат эғиб, айлаб эътибор,  
Ювдинг манглайимдан қора гамғани.  
Бошқалар гапирса, не парвойим бор,  
Яхши ё ёмон деб узинг айт мени.

Менга дунё — узинг, таъна, гаърифим  
Эшитмоқ исгайман сенинг тилинган.  
Мен улиб булганман бошқалар учун,  
Солдим ҳисларимга пулатдан кишан.

Тубсиз жарга оғдим қурқувларни, бас,  
Илонлар галаси билмагай утиб.  
Маккор маломатлар етиб келолмас,  
Ёлғон хушомадлар келолмас етиб.

Шу ёруғ дунёда ягона тирик —  
Узингсан, узгалар мен учун улик...





Сендан айру мени аламлар ёқиб,  
Хира тортиб қолди кузларим ёмон.  
Гира-шира курар гоҳида боқиб,  
Гоҳида боқса ҳам курмайди тамом.

Ақлимга, қалбимга гуқинмас асло  
Гуллару майсалар, қушлар хайрати.  
Хаёл кўзгусида “ярк” этар, аммо  
Шу онда учади акси, суврати.

Ҳар нечук гузал ё хунук бир нарса,  
Тоғмидир ё денгиз, кечами, кундуз,  
Қарғами, кабутар, боқсам шу лаҳза,  
Сенинг қиёфанга киради шаксиз.

Сендадир кузларим, сенда хаёлим,  
Бундан бошқасига етмас мажолим...







Бошимга қундириб муҳаббат тожини,  
Мени маст айладинг, аё малика.  
Ё менинг кузларим хушомадгуйми,  
Ёки сен ургатдинг сеҳргарликка?

Кузларим нурига дуч келган замон  
Ҳар нечук хунук ҳам касб этар чирой.  
Ҳар қандай махлуқдан ясар тулин ой,  
Сенинг тулин ойдек жамолингсимон..

Сабабин англадим, бари хушомад,  
Кузларим билишар не ёқар менга.  
Мулозим подшога этаркан хизмаг,  
Хуш курган шаробин тутади унга.

Майли, бу қадаҳда шаробми, захар,  
Мен уни ичмаман ҳаммадан аввал...





Мен шундоқ деганман, айтганим ёлгон,  
Севги булмагай деб бундан зиёда.  
Унда билмас эдим, ёниб ҳар замон,  
Шунчалар севишим ёруғ дунёда.

Мен ҳисобга олиб дақиқа сайин  
Руй бергувчи милён тасодифларни,  
Ўзгариб турувчи қонулар, кейин  
Беқарор қасамлар, турфа гапларни,

Ишонмай қисматим марҳаматига,  
Фақат шу нафаста айлаб эътимод,  
Дегандим қалбимни бахш этиб сенга:  
Дунёда севги йуқ севгимдан зиёд...

Билдим, севги бугун қиз эса, дилдор,  
Эртага нозанин булиши ҳам бор...



Икки қалб қовушмоқ истаса, унга  
Монёъ булармидим? Асло, алхазар!  
Хиёнат писандмас мухаббатимга,  
Севгимас, шамолда эгилса агар.

Мухаббат — буронли денгизда маёқ,  
Нур сочар булутлар босганда қаро.  
Мухаббат — фалакда кюлдуздир, порлоқ,  
Йул очар йулчига тулқинлар аро.

У — замон қулида қуғирчоқ эмас,  
Яноқлари қизил, дудоқлари гул.  
Йиллар утса ҳамки, чарчамас, толмас,  
Қора қабргача бора олур ул.

Сузим хато булса, иқрорман абад:  
Мен ёзмадим уни, йуқдир мухаббат...



Мени айбла, лутфу эҳсонларингни  
Қадрлай олмадим, балки унутдим.  
Муҳаббаг риштасин уздим, узимни  
Азиз остонанга бегона тутдим.

Менинг юзимга сол, бегоналарга  
Ендашдим, уларни юрдим ардоқлаб.  
Айтгил, елкан очиб турли елларга,  
Кетдим, кетганимча сендан йироқлаб.

Гуноҳларимни йиғ, этиб марҳамат,  
Муҳаббатимни ҳам қуйгил ёнма-ён.  
Майли, сунг хукмингни айтавер, фақат  
Нафрат ила боқиб, улдирма жонон.

Мен имтиҳон қилдим: нечук устувор,  
Пок ва олийжаноб муҳаббатинг бор...





Гоҳида иштаҳа очини қасдида,  
Хасталик олдини олмоққа зарур  
Аччиқ дору дармон ичиб, сунггида  
Меъдани этамиз бетоб, беҳузур...

Худди шундоқ, мен ҳам севги авжида  
Юрганда сен билан хурсанд, бахтиёр,  
Нохуш хаёлларга бордим беҳуда,  
Узни хасталикка айладим дучор.

Хавотирлар билан булдим бетма-бет,  
Севгимга тушмасин бирор хавф-хатар,  
Деган уйга бордим, ичдим кетма-кет  
Соғ-саломат ҳолда аччиқ дорилар.

Ва билдим, ошиққа бу янглиғ дору  
Дармон булолмагай, заҳардир, оғу...



Сирен кузёшими мен ичган оғу,  
Ё жаҳаннам суви айламиш карахт?  
Кунглимда гоҳ умид, гоҳида қурқув,  
Йуқсилман деганда бойман, бадавлат.

Мен нечук гуноҳга йул қуйдим ҳали,  
Роҳат, фароғатга етишганим дам?  
Қайси хатоликлар касри гуфайли  
Кузларим ногаҳон чиқди қинидан?

Ҳар бир ёмонликнинг яхшилиги бор.  
Яхши у боисдан булур яхшироқ.  
Муҳаббат ҳам ёниб, буларкан абгор,  
Қайтадан барқ уриб, гул очар, янроқ.

Куп нарса йуқотдим, чекдим айрилиқ,  
Аммо топганларим ун карра оргиқ...



Сен яхши иш қилдинг етказиб озор,  
Ушал дам юракка тўлди не алам.  
Гуноҳим юкидан эгилдим почор,  
Асабим ип эмас, пулат булса ҳам.

Мен ҳам озор бердим қалбингга, илло,  
Жаҳаннам азобин солдим бошингга.  
Аммо бундун ҳузур этмадим асло,  
Чунки у дардимни эслатар менга.

О, у тун азоби, йуқдир унга чек,  
Нажот булур фақат андуҳ, пушаймон.  
Сен гавбадан малҳам юборганингдек,  
Мен ҳам тазаррудан юбордим дармон.

Мен кечирдим, сен ҳам кечиргил дарров,  
Иккимиз баробар тулайлик тулов...



Тубан деб бегуноҳ ном чиқаргандан,  
Тубан, олчоқ булиб юрган яхшироқ.  
Тухмат беомондир, човут солгаи дам  
Қувончинг соврилиб, ғам босар, фироқ.

Қоним уйнар экаи танимда шодон,  
Ғаразли нигоҳлар печук қаршилар?  
Узлари эмасми мендан ҳам ёмон,  
Мен яхши дегани ёмон дер улар?

Мен — бу мен, улчашар гуноҳларимни  
Улар узларига эгиб ярашиқ.  
Мен туғриман, улар қинғир нигоҳли,  
Шу боис ишимни куришар қийшиқ.

Кимки ухшамаса уларга, тамом,  
Уларнинг наздида ёмондир, ёмон...





Керакмас, хотира тахтачангни қуй,  
Чеҳранг, табиатинг ярқираб қушод,  
Йиллар утса ҳамки, муҳрланиб у,  
Менинг юрагимда яшар умрбод.

Суврагинг кунгилда йуқотмагай ранг,  
То танда жон бордир, тирикдир вужуд.  
Не-не хаёллардан учиб хотиранг,  
Йуқликка юз тутиб, булса ҳам унут.

Хотира тахтача — гузал инъоминг  
Узоққа бормаиди, адо булур, бас.  
Севгувчи қалб аро яшар жамолинг,  
Унга вақту замон дахл этолмас.

Хотира булолмас сендан ҳеч нарса,  
Юракда асрасин сени ҳар кимса...



Мақтанма, эй замон, фикрим узгармас,  
Қурган эхромларинг менга хеч вақо.  
Янгилик эмишми ушалар? Асло,  
Янги либос кийган эскидир, холос.

Умримиз қисқадир, этсанг не хунар,  
Анграйиб боқамиз, босади ҳайрат.  
Янги деб уйлаймиз, холбуки аввал  
Боболар этмишди бизга ҳикоят.

Мен қойил эмасман сенга, эй замон,  
Утмишу ҳозиринг ётар айқашиб.  
Ёзган ёзувларинг барчаси ёлғон,  
Туқийсан барини ҳовлиқиб, шошиб.

Бошимда шамширинг гарчи муаллақ,  
Шу айтган сузимда тураман мутлақ...



Бир ҳолат фарзанди булсайди севгим,  
Қисматга номақбул, никоҳсиз зурёд,  
Ут-улан бағрида усарди балким,  
Ёки гулшан аро яшар эди шод.

Йуқ, севгим тасодиф маҳсули эмас,  
Замон уйнай олмас уйинчоқ этиб.  
Дабдаба қуйнида яшаб бир нафас,  
Такдир уни отмас кейин итқитиб.

Фигналар қалбига сололмас қурқув,  
Гарчи ҳар тарафдан отсалар ҳам тош.  
Қуёш оташига чидамлидир у,  
Тошқин селларга ҳам беради бардош.

Сен буни биласан, гувоҳсан, илло,  
Эй улими савоб, турмуши гуноҳ...





Тахт узра соябон тутмоқ ҳамиша,  
Менга ҳам булсайди, дейман, муяссар,  
Еки мангуликка тош қуйсам, уша  
Бузиб, совуришдан эмасми афзал?

Кимки дабдабалар ортидан қувиб,  
Югурса, оқибат вой булар иши.  
Оддий мазани ҳам қуяр унутиб,  
Ғалати таомлар излаган киши.

Жоним, юрагингда дафн эт мени,  
Мен сенга севгимни этаман тортиқ.  
Буёқ, безаклардан йироқ бил уни,  
Сенга ҳам, менга ҳам бирдек мувофиқ.

Йуқол, эй гийбатчи! Содикдир кунгил,  
Уни хиёнгага бошламоқ мушкул...



Эй ёқимтой бола, чиқ-чиқлаб фақат,  
Вақтимизни санок этгувчи соат.

Сен камайган сайин зиёда булиб,  
Биз эса севаркан, борамиз сулиб.

Табиат — бузувчи она ҳар тугул,  
Йулингни орқага суради нуқул.

У сени авайлаб, асрайди печун?  
Лаҳзаларни туғиб, улдирмоқ учун.

Ва лекин сен унга ҳазир бул, соат,  
У сени аяйди етгунча муддат.

Муддатинг етаркан, аямайди, бас,  
Сени ҳам йукликка сураш шу нафас...





Илгари қора ранг эмасди хусн,  
Булса ҳам, ҳеч кимса гузал демасди.  
Қаролик хуснга ворисдир бугун,  
Гузалликни бугун қаролик босди.

Асл табиатга даҳолат айлаб,  
Хунук юзларга ҳам беришар оро.  
Шурлик гузалликни қувдилар ҳайдаб,  
Яшайди беваган, ҳақирлик аро.

Не ажаб, ёримнинг қалам қошлари  
Ва жоду кузлари тимқора эса,  
Гуё қора кийиб, наздимда бари  
Сохта хуснларга тутишар аза...

Уларга қаролик мосдир шу қадар,  
Гузал деб тан олар барча баробар.





Узинг ширин куйсаң, оҳангсаң, гузал,  
Лекин сен у нозик бармоқларингни  
Торлар, пардаларга ургаңда ҳар гал,  
Ёниқ бир рашк ути урғайди мени.

Нозик бармоқларинг этар бахшида  
Меҳри, отабини симларга такрор.  
Улар бармоқларинг упарлар унда,  
Лабларим қолурлар бунда ингизор.

Кошкийди созингда тор булсайдим мен,  
Гузал оҳангларни янгратмоқ булиб,  
Ҳар гал бармоқларинг тегизганда сен,  
Ёнардим, титрардим қувончга тулиб.

Бармоқларинг тегсин торларга, бироқ,  
Лабларингни мендан тутмагил йироқ...





Руҳан адо булган, уятсиз, беор,  
Мана, шаҳватпараст нечук бир кимса?  
Бераҳм ва маккор, тентак, жаҳлдор,  
Истар ҳар дақиқа ғазабга миinsa.

Ҳар сафар, нафсини қондирган замон,  
Нафрат-ла ирганиб юз угирар ул.  
Қармоққа бир марта илинса, тамом,  
Тинчи, оромини йуқогар буткул.

Узи билан узи жанг қилар фақат,  
Буғовдадир ақл, жиловдадир ҳуш.  
Қувонч илинжида орттирар кулфат,  
Ортида гугундек таралгувчи туш...

Буни барча билар, билмаслар лекин:  
Жаҳаннамдан қандоқ қутилар кейин...







Севгилим кузлари юлдуз эмасдир,  
Қирмиз лаблари ҳам ёқутмас асло.  
Сийнаси ҳам қордек оқ эмас, ҳарир,  
Сочлари сунбулмас, майин, тимқаро.

Дамашқнинг оқ, қизил атиргулларин.  
Унинг ёноғига этмасман қиёс.  
Дунёнинг муаттар мушку анбарин,  
Демасман, ёримдан гаралгай, холос.

Сузласа, тинглайман жон деб, агарчи  
Не-не оҳанглар бор яқин-йироқда.  
Илоҳалар қандоқ юрар, билмадим,  
Менинг ёрим юрар ерда, тупроқда.

Аммо, унинг уша мақтовга лойиқ  
Ҳуру парилардан камлик ери йуқ...





Гузал санамлардек сен ҳам шубҳасиз  
Хуснингга мағрурсан, бераҳм дилбар.  
Биласан мен учун дунёда ёлғиз  
Тенги йук сулуvsан, бебаҳо гавҳар.

Баъзилар дейдики, ёринг гузалмас,  
Ениб, оҳ уришга арзимас зинҳор.  
Майли, улар билан мен эгмайман баҳс,  
Лекин уз-узимга этаман иқрор.

Минг бор қасам ичиб, оҳлар чекиб минг,  
Дейманки, дунёда яна борми, ҳой,  
Сенинг қора қошинг, қора кузларинг,  
Қора сочларингдек асл бир чирой?

Гузалим, ярашар хуснингга қора,  
Ишингда қаролик булмасин сира...



Кузларинг севаман, улар рахмдил,  
Тескаридир қалбинг деган золимга.  
Қора кийиб, аза тутишар нуқул,  
Шафқат ила боқиб менинг ҳолимга.

Тонгларда юз очиб порлайди қуёш,  
Гарчи шарқ чехрасин ёритмас унча.  
Гарб уфқида айлаб тун ила талош,  
Бир юлдуз чарақлар тонг оқаргунча.

Улар кузларингдек мунаввар эмас,  
Кузларинг ачиниб боқарлар доим.  
Кошки юрагинг ҳам юмшаб бир нафас,  
Боқсайди шу қадар мунис, мулойим.

Унда ҳеч тортирмай завқу шавқ ила,  
Ҳусн қароликда, дердим баралла...





Лаънат уша қалбга, жабр этиб менга,  
Изтиробга солди, айлади дилхун.  
Менинг асирлигим каммиди сенга,  
Энди дустимни ҳам этасан туткун?

Бераҳм нигоҳинг менга солдинг то,  
Уртандим, сабримнинг косаси тулди.  
Узингдан, узимдан, дустимдан жудо —  
Айладинг, азобим уч карра булди.

Дустимни қулликдан озод айла сен,  
Узим посбон булиб, куриқлай уни.  
Жоним, зиндонингда маҳбус булай мен,  
Истасанг, гаровга олгин қалбимни.

Ихтиёр ўзингда, мен нотаваонинг,  
Бутун борлигим-ла банди зиндонинг...





Икрорман, у энди сеники булди,  
Мен эса кулингда гаровман ҳамон.  
Фақат у, иккинчи қиёфам энди  
Таскин бера олур менга бегумон.

Аммо сен қуймайсан, у ҳам истамас,  
Сен фойдангни кузлаб гутасан йулинг.  
У эса самимий, оқкунгилдир, бас,  
Сенга парвонадир, улгунча кулинг.

У менга кафилдир, сендан қарзи бор,  
Сен хусну чиройинг машъалин ёқиб,  
Уни бир судхурдек этасан таъқиб,  
Мени ёлғизликка айлаб гирифтор.

Гарчи у туловин тулади сенга,  
Олиб беролмади эркимни менга...





“Хохиш” деб аташган менинг исмимни<sup>1</sup>,  
Хохиш, истакаларга юраман тулиб.  
Ёлвориб сурайман, ола қол мени,  
Хохиш, истагингга илова қилиб.

Гарчи хохишларинг кўндир, зиёда,  
Биттага кўпайса, эмасми савоб?  
Агар хохиш булса, булса ирода,  
Менинг истагимга булмасми жавоб?

Денгиз оғушида сувлар беадо,  
Лекин ёмғирни у ютар дамо-дам.  
Урин бер беҳисоб хохишинг аро  
Менинг шу биргина истагимга ҳам.

Йуқ, дема, биргина хохишим ҳамон  
Сенинг истагингга қушилсин тамом...

---

<sup>1</sup> 135 ва 136-сонетларда суз уйини кузатилади, will сузи ҳам хохиш, ирода, ҳам муаллиф исмининг ихчам айтилиши маъносида ишлатилган.



Сенга яқин булсам дейман, мабодо  
Қалбинг рад айласа, айтгил номимни.  
“Хоҳиш” деб аталур ёки “ирода”,  
Истаган юракка қуярлар уни.

Не ажаб, севгингни биргина хоҳиш  
Ва куплаб ирода бойитар булса.  
Зур ишда катгадир ҳисобу тафтиш,  
Унда бир дегани арзимас нарса.

Майли, саноғингда арзимас булай  
Ва куплар ичида булай ҳеч вақо.  
Фақат битта булай сенга, ургилай,  
Озроқ азиз булай, жиндак бебаҳо.

Менинг номимни сев, унда мени ҳам  
Севасан, чунки мен хоҳишман, санам...





Севги, нечун мени кур қилиб қуйдинг,  
Куз очиб боқсам-да, курмадим уни?  
Гузаллигин курдим, билмадим лекин  
Не эмиш чиройи, не эмиш хусни?

Баски, қарашлари қулимдан тутиб,  
Охир бошлаб келди мени бу сувга.  
Курдим, не кемалар юрибти сузиб,  
Юракни эркига қуймадим нега?

Қалбим бир боқишда дарҳол англабон,  
Боғмас, карвонсарой эканин курди.  
Кузим юрагимни инкор айлабон,  
Елгонга ҳақиқат буёғин сурди.

Юрак курди, кузим рад айлади лек,  
Елгон қуршаб олди мени вабодек...







Севгилим онг ичиб менга доимо,  
Елгонни курмасман, дейди, узга эш.  
Унга ишонаман, кураман, аммо,  
Мени уйлар нодон бир успирин деб.

Демак қирчиллама ёшман деб ҳамон,  
Мен ҳам ишонганга соламан узни.  
Мен ҳам уз-узимга сузлайман ёлгон,  
Иккимиз рост гапдан бурамиз юзни.

Нега у сузладим ёлгон демайди?  
Нега мен демайман: ёшим ёш эмас?  
Ясама ишончга суюнар севги,  
Ёшини сурашни асло хушламас.

У менга ёлгонлар, мен эсам унга,  
Хушомад қиламиз бир-биримизга...





О, мени қийнадинг утларга солиб,  
Энди буни узинг оқлагин, дема.  
Куч устидан булгин куч билан ғолиб,  
Маккорлик этмагил, бағрим тиглама.

Ўзгани сев, аммо учрашган маҳал  
Мендан сира узма жодуларингни.  
Киприкларинг уқдир, нигоҳинг ханжар,  
Менинг кукрагимга қадайвер уни.

Кузларинг кучини билмасам кошки,  
Сен гоҳи бошқа бир томонга қараб,  
Ўзгаларни отмоқ бўласан балки,  
Менга бир оз шафқат, марҳамат айлаб.

Аммо, сен аяма, отавер руй-рост,  
Ўлдир, аламлардан мени эт халос...





Бераҳмсан, энди ақлли ҳам бул,  
Йуқса, сабрим тугаб, аламим ошиб,  
Ранжу изтиробим тилимдан тошиб,  
Сени маломатга кумади буткул.

Сен мени севмайсан, севгандай курсат,  
Табассум қил мени курганда ҳар он.  
Ўлаётган бемор табибдан фақат  
Умид кутар, кутмас дорию дармон.

Мени жиши қилма, қийнама ортиқ,  
Нафрат ила боқиб, қузғатма атай.  
Биласан халойиқ ёлғону яшиқ,  
Ҳар не уйдирмани тингламоққа шай.

Бошингга маломат орттирма яна,  
Кулиб боқ, юрагинг булсин бегона...



Мен сени севмайман кузларим билан,  
Улар куриб турар минг бир хагойинг.  
Аmmo юрак сенинг ишқингга пайванд,  
Сенинг асирингдир, сенинг адойинг.

Нутқинг мени этмас ошуфта, хайрон,  
Овозинг, нигоҳинг, қулларинг тафти  
Мафтун қилолмагай мени ҳеч қачон,  
Сезгилар байрами булмагай асти.

Беш сезги баробар бирлашиб ҳам, бас,  
Қанча уринмасин ғайрагга тулиб,  
Шурлик юрагимни йулга сололмас,  
Сенинг адойинг ул, қолгай қул булиб.

Сени деб буйладир холи харобим,  
Узинг гуноҳимсан, узинг азобим...



Севгим — гуноҳимдир, гуноҳ ўзимда,  
Сен маъзур тутмайсан менинг айбимни.  
Аммо сен куз очиб, боқсанг узингга,  
Суз ҳам тополмайсан айблашга мени.

Англайсан, шу тилинг, лабларинг, дилбар,  
Таъна оғолмаслар менга даъфаган.  
Сабабки, бир йула булганмиш улар,  
Хиёнатлар, ёлғон қасамлар билан.

Севгимни чиқардинг нечун золимга?  
Мен сенга, сен эса узгага мафтун!  
Сен ачишиб боққил менинг ҳолимга,  
Халойиқ маломат этмасдан бурун.

Гар шафқат этмасанг, етганда навбат,  
Сен ҳам узгалардан кутмагил шафқат...





Гохида бир она боласин қуйиб,  
Товуқ ё хурознинг тушар ортидан.  
Боласи йиғлайди бунда чинқириб,  
Онаси қочганини қувиш билан банд.

Қувлаган улжаси тутқич бермайди,  
Буйнин чузиб қочар, чап бериб такрор.  
“Ойи, ойижон!” деб бола йиғлайди,  
Ойиси бермайди унга эътибор.

Худди шундай, мени қолдириб ёлғиз,  
Қочганининг кетидан қувиб кетдинг сен.  
Боладек зор қақшаб, кечадир, кундуз,  
Қулларимни чузиб қолабердим мен.

Ортиқ жафо қилма қуйик жонимга,  
Қувганингни тутиб, қайтгил ёнимга...



Икки дустим бордир, улар туфайли,  
Яшайман қувончу қайгулар аро.  
Эркак — фариштадир, оқ сариқ сочли,  
Аёл — иблис, манфур кузлари қаро.

Мени жаҳаннамга итармоқ учун  
Иблис ижод этар турфа жодулар.  
Фаришгани айлаб хуснига мафтун,  
Шайгонлар сафига қушмоқчи булар.

Билмайман, бугунча ким осту ким уст?  
Оқибат ким қолар кулгу, мазахга?  
Улар дустларимдир, бир-бирига дуст,  
Қурқаман, фариштам тушар дузахга.

Аmmo аён булур бу нарса тайин,  
Иблис фариштани қувгандан кейин...





Кузларимга тикди-да кузни,  
Деди қатъий: нафратланаман...  
Ғазаб ичра айтди бу сузни,  
Аросатда қотиб қолдим мен.

Аммо маъюс ҳолимни куриб,  
Юрагида меҳр жуш урди.  
Кузларимга боқди термулиб,  
Ширин сузга тилини бурди.

У сузини такрор этаркан,  
Тун тарқади, ёришди кундуз.  
Гуё қулаб тушиб осмондан,  
Жаҳаннамга даф булди иблис.

Нафратим бор, деди, шу нафас,  
Аммо қушиб қуйди: сизгамас...







Шу осий Замишга моясан, жопим,  
Исёнкор малъунга узни этиб қул,  
Нега ҳолдан тойиб, битиб дармонинг,  
Ташқи иморатинг безайсан нукул?

Бир нафас меҳмонсан, ақлданми ҳеч  
Муваққат маконга меҳнат сарф этиш?  
Шунча заҳмат чекиб, эртами ё кеч,  
Уни айлар эсанг қуртларга емиш?

Жоним, яшайвергил ғамга қасдма-қасд,  
Аламлар куйидин келсин неъматинг.  
Илоҳий сийратлар насиб этса, бас,  
Уларсиз дунёда борми давлагинг?

Улимга илҳақ бул, уни қарши ол,  
Улим улар, сенга етмагай завол...



Севги — хасталикдир, юрагим бемор,  
Сунгсиз соғинч ила депсинар ташна.  
У ширин оғуни ичмишди бир бор,  
Яна ичсам, дейди, хаёлга ошна.

Ақлим — габиб, унга парвона булиб,  
Дорулар буюрди аччиқ ва тахир.  
Севгим рад айлади, бечора табиб  
Сабри тугаб, мени тарк эгди охир.

Шундан бери дардим — дарди бедаво,  
Рухимда қарор йуқ, ошуфта, хайрон.  
Ақлимдан бир йула булиб Мосуво,  
Сузим ҳам, ҳиссим ҳам тузғин, паришон.

Сени опшоқ дедим, севдим нақадар,  
Аслида қорасан жаҳаннам қадар...





Кузим хира тортмиш севгидан, эвоҳ,  
Борлиқни тескари курар давоман.  
Ё ақлу идроким булдими адо,  
Куриниб турганни курмас тамоман?

Кузимга хуш ёққан ҳар нарсаким бор,  
Шу дунё аҳлига ёқмайди печун?  
Баски, ёқмас экан, бўлайин иқрор,  
Муҳаббатнинг кузи тийрадир, тутун...

Ким ҳақли: дунёми, ошиқнинг кузи?  
Дунёга тусиқдир киприкдаги ёш.  
Ёмғирдан ювилмас эса кук юзи,  
Самода ярқираб кўринмас қуёш.

Муҳаббат маккордир, йиғлатиб баъзан,  
Гуноҳларин ёпар куз ёши билан...





Ҳай, золим, сен мени севмайсан, дема,  
Дуст билан душманни этиб ҳангу манг,  
Сен билан майдонда, яккама-якка,  
Сен томонда туриб қилмадимми жанг?

Душманингни дуст деб билдимми магар?  
Сен хуш курмаганга узатдимми қул?  
Сен мени беҳуда айблаган маҳал,  
Айбдор этмадимми узимни буткул?

Узинг айт, хизматим эмасми менинг  
Нафратинг уқига булганим нишон?  
Фазилат эмасми менга айбларинг,  
Бир имо этганинг эмасми фармон?

Кузи очиқларни севасан, золим,  
Мен сени севдиму кур булиб қолдим...





Сен кучни оласан қайси қудрагдан,  
Сенга буйсупаман узимдан кечиб?  
Мен ёлғонни жойлаб кўзларимга ҳам,  
Кундуз ёруғ эмас, дейман онт ичиб.

Қилмишларингни ҳам этаман ишкор,  
Гарчи не айладинг, узим гувоҳинг.  
Бу не жозибадир, нечук иқтидор,  
Фазилат санайман айбинг, гуноҳинг?

Ким ўргатди сенга севги дарсини,  
Емонлигинг куриб, севаман жондан?  
Севаман нафратга дучор кимсани,  
Сен ҳам нафратингни йироқ туг мендан.

Кимки бир полуйиқ санамни севса,  
Муҳаббатга лойиқ эрур у кимса...





Ёш муҳаббат билмас не эмиш виждон,  
Ахир, виждонмасми севги фарзади?  
Менинг айбларимни санайсан, жонон,  
Узингни бир тафғиш этсанг буларди.

Сен хиёнаг этгач, турмадим қараб,  
Мен ҳам уз руҳимга этдим хиёнат.  
Таним эҳтирослар ичра туркираб,  
Ғолиблигин байрам қилар бағоят.

Номингни эшитгач, этолмай бардош,  
Дейди у: истагим шудир ягона.  
Сенинг хузурингда қулдек эгиб бош,  
Пойингга йиқилмоқ истайди яна.

Муҳаббат куйида юролган киши  
Виждон азобини билади яхши...



Эвоҳ, сенга аён, буздим қасамни,  
Сен ҳам буздинг уни бирмас, икки бор.  
Аввал ерга уриб пикоҳ аҳдини,  
Сўнг эгдинг севгию садоқатни хор.

Аmmo, ҳақлиманми, жоним, шу нафас  
Қасамни бузганинг юзингга солдим?  
Узим иқрор бўлай, икки каррамас,  
Уни йигирма бор тупроққа қордим.

Севгингга онт ичдим неча бир карра,  
Дедим: мустаҳкамдир вафо қурғонинг.  
Кузимни кур қилдим, айладим тийра,  
Токи курмасин деб айбу нуқсонинг.

Сени покдомон деб, соғу саломат,  
Узимга ортгирдим доғи маломат...





Дам олмоқчи бўлиб тангри Купидон  
Машъалини қуйди-да, уйқуга толди.  
Етиб келди пари, Диана шу он,  
Бенаётган утни чашмага солди.

Олов сунди, тошди, купирди чашма,  
Қирғоқидан ошиб, оқа кетди сув.  
Ҳар сафар хасталар келиб, чумилса,  
Бедаво дардларга даво булди у...

Аммо уша Тангри менга бериб панд,  
Севгилим кузидан олди-да олов,  
Уни юрагимга тутди даъфатаи,  
Мени оташларга ёқди беаёв.

Сув билан аримас кунгилнинг оҳи,  
Дардимга даводир ёрим нигоҳи...





Муҳаббатнинг кичик Тангриси бир гал  
Ухлаб қолди, келиб дарахт остига.  
Машъали ёнида эди шу маҳал,  
Парилар тушдилар унинг қасдига.

Бири келиб, аста машъалини олди,  
Уна ут бошларга солмишди савдо,  
Қизларни иффагдан этмишди жудо,  
Муҳаббат тангриси оловсиз қолди.

Машъални булоққа ботирди нари,  
Олов учди, сувлар қайнади чиндан.  
Ичиб, шифо топди беморлар бари,  
Мен ишқимга даво топмадим ундан.

Муҳаббат сувни ҳам иситди, ёху,  
Лекин муҳаббатни совутмади сув...



*Вильям Шекспир*

СОНЕТАР

Мухаррир *М. Сафаров*  
Бадий мухаррир *Ж. Гурова*  
Техник мухаррир *А. Солиҳов*  
*Мусаххих Н. Набихужаева*  
Компьютерда тайёрловчи *Е. Гильмутдинова*

Босишга рухсат этилди 02.07.09. Бичими 70×90<sup>1/2</sup>.  
Шартли б.т. 6,43. Нашриёт-ҳисоб т. 3,74.  
Офсет усулида чоп этилди. 290-букюртма.  
1000 нусхада.

«Niso Poligraf» ШК босмахонасида босилди.  
Тошкент, Ҳ. Бойқаро кучаси, 41-уй.

13 500 c.

---

ISBN 978-9943-



9 789943 34